Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 214 (20. 182) • 1988 йил 17 сентябрь • шанба

Баҳоси 3 тийин.

Агросаноат янгиликлари

● Экиш агрегатлари Сурхондарё хўжаликларининг оралиқ экинлар учун ажратилган далаларига олиб чиқилди. Дастлабки 100 гектар майдонга сули ва перко уруғи сепилди. Айни вақтда деҳқонлар ўзлари етиштирган уруғликлардан фойдаланмоқдалар. Экинлар дон учун маккажўхори йиғиштириб олингандан кейин бўшаган ерларга экилмоқда.

Шу йил кузда областда оралиқ экинлари экиш учун 10 минг гектар ер ажратиш мўлжалланмоқда.

● Наманган районидаги «Навбаҳор» совхозининг чўлқуварлари мевалардан дастлабки ҳосил олдилар. Бу ерда, Марказий Фарғона қумликлари орасида бундан уч йил илгари деҳқонлар даштдан 25 гектар майдонни ўзлаштириб, боғ барпо этган эдилар ва гармсел шамолларидан бўлиб туришига қарамай, у ерда олма, шафтоли, анор, анжир кўчатларини парвариш қилдилар.

Чўлқуварлар ерга нисбатан меҳр ва меҳнатсеварлик оғир табиий шароитлардан устун келишини исботладилар. Шўрҳок ерларнинг шўрини ювишга, тупроқни органик ўғитлар билан озиқлантиришга кўп вақт ва куч сарфланди. Еш дарахт кўчатлари орасида энди сабзавот ҳам етиштирилмоқда. Дастлабки маҳсулот совхоз ишчиларини сабзавот ва мевалар билан тўла-тўкис таъминлаш имконини берди.

● Кува районидаги Энгельс номли колхоз шартнома асосида шахсий хўжаликларда сўқимга боқилган буқаларнинг дастлабки туркумини гўшт комбинатига юборди. Маҳсулот хўжаликнинг давлатга гўшт топшириш планига киради.

Республика Олий Советининг депутати сут соғувчи Маҳбуба Мўминованинг таклифи билан хўжалик правлениеси колхозчиларнинг хонадонларида қорамолни сўқимга боқиш учун юздан ортиқ шартнома тузди. Колхоз хонадонларга 100 килограмм вазнли буқаларни сотди ва уларни емхашак билан таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олди.

(ЎзТАГ).

БИЗ БУРИЛИШ ДАВРИДА ЛЕНИНГА МУРОЖААТ ҚИЛМОҚДАМИЗ

М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкаси меҳнаткашлари билан учрашувлари

КРАСНОЯРСК, 15 сентябрь. Ҳар бир совет кишисига ардоқли бўлган зиёратгоҳлар бор. Шулардан бири Шушенское қишлоғидир. Бу ерда «В. И. Ленин Сибирь сургунида бўлиши» ёдгорлик қўриқхона-музейи очилган. Ильич 1897-1900 йилларда Шушенское қишлоғида яшаган эди, эндиликда бу кўҳна қишлоқ асл ҳолига келтирилиб, қўриқхонага айлантирилган. Улуғ Октябрь йўлбошчисининг нигоҳи тушган қишлоқ қайтадан тикланган. Эндиликда зиёратчилар худди ўша давр ҳавосидан нафас олаётгандек бўладилар. М. С. Горбачев бугун ана шу ёдгорлик комплекси билан танишди.

Зиёрат В. И. Ленининг биринчи квартираси бўлган деҳқон А. Д. Зиряновнинг хонадонини кўришдан бошланди. Хона жиҳозлари жуда содда. Қўлда тўқилган дастурхон ёзилган стол, шу ерлик усталар ясаган стуллар, яшил абажурли керосин лампа, китоб полкаси, ёғоч каравот, голланд печи. Владимир Ильич шу ерда Шушенскоеда бўладиган дамларига кўникди, тиним билмай ишлади.

Ильичнинг иккинчи квартираси — деҳқон аёл П. А. Петрованинг уйидаги жиҳозлар ҳам камтарона. Доҳий ҳузурига Надежда Константиновна ва унинг онаси келишганидан кейин Ленин шу хонадонга кўчиб ўтган эди. Бу ерда Владимир Ильич қатъий тартибга амал қилиб, мақолалар, брошюралар, тақризлар устида ишлади, «Россияда капитализмнинг ривожланиши» китоби қўлёзмасини нашрга тайёрлади. Шушенскоеда «Россия социал-демократларининг протести» ва «Партиямиз программасининг лойиҳаси» сингари 30 дан кўпроқ жуда муҳим партия ҳужжатлари яратилди.

Ленининг ана шу зиёратгоҳларини асраш хусусида музей ходимлари қилаётган ишлар диққатга лойиқдир. Уйга кираверишда капалакгул, қалампиргул, шаббой, тўп-тўп бўлиб очиладиган ўтсимон гул, яъни флокс, хушбўй нўхатгул экилиб, ҳафсала билан парвариш қилинмоқда. Ульяновлар оиласи бир вақтлар шу бир парча ерда худди ана шундай гулларни экиб эдилар. М. С. Горбачев В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Қўриқхона-музейнинг фикр-мулоҳазалар дафтарига Бош секретарь қуйидаги сўзларни ёзди:

«Шушенское қишлоғидаги Ленин мемориалини чуқур ҳаяжон билан зиёрат қилдим.

Аввало, Ильич хотирасини асраш йўлида қилаётган барча ишлари учун шу қишлоқ аҳлига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Сургундаги йилларда Владимир Ильич бажарган ишлар билан танишар эканмиз, доҳий ижодий фаолиятининг миқёслари ва Ильичнинг революцион ишга, буюк садоқатига қойил қоламиз. Унинг режалари, илмий башорати ҳаётда рўёбга чиққанлигини фахр-ифтихор билан қайд этамиз.

Ильич бошлаган иш бугунги кунларимизга пайваста бўлиб кетган. Ленин ишлари қайта қуришимизда давом этмоқда ва биз ҳозирги бурилиш даврида яна Ленинга мурожаат қилмоқдамиз. Ленин тафаккури, Ленин ибрати — бу бизнинг жуда катта бойлигимиздир. Совет жамияти ривожланишининг бурилиш босқичидаги революцион ишларимизда йўлчи юлдуздир».

Шушенскоедан қайта туриб, М. С. Горбачев совет телевидениеси мухбири билан суҳбатлашди. (Бу суҳбат газеталарда эълон қилинмоқда).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари тўрт кундан бери хизмат вазифасини бажариб, Красноярск ўлкаси билан танишмоқда. У қаерда бўлмасин, ким билан учрашмасин, одамлар чин дилдан, ўртоқларча суҳбатлашиш учун унинг теварагига тўпланишаётганини ҳис этиб турибмиз.

Ҳозир бурилиш даврини бошидан кечираётган мамлакат ишлари хусусида ҳам, шаҳар, посёлка ва ҳатто ҳар бир оиланинг қувончлари, ҳозирча кўпроқ ташвишлари ҳақида суҳбатлашилмоқда. Шушенское районида бугун бўлган бир учрашувда Михаил Сергеевич ёнига келган аёллар Бош секретарь билан ҳафагарчиликлар ҳақида ҳам, янгиланиш тақдири учун хавотирга тушаётганликлари хусусида ҳам жавобгарликни бир хил ҳис этиб, кўнгилларини ёзганликлари бежиз эмас.

Аёллардан бири рўй-рост айтиб қўяқолди: Михаил Сергеевич бизнинг Казанцево қишлоғимизда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Тез-тез келиб туришингиз керак.

Бунга жавобан, ҳазил-мутойиба билан истиора айтилди, унда қайта қуриш муваффақиятининг бош шарти бўлган халқнинг сиёсий активлиги ўз ифодасини топди.



Суратда: М. С. Горбачевнинг Шушенское қишлоғи аҳолиси билан учрашиш пайти. ТАСС телефотоси.

Қайта қуриш — товадаги тухум қуймоқ эмаски, дастурхонингизга таппа-тайёр қилиб тортилса, деди М. С. Горбачев.

Шу райондаги В. И. Ленин ва Н. К. Крупская номли совхоз-техникум даласида ҳам мулоқот бўлди. Бу учрашув қатнашчиларини қайта қуриш осмондан тушиб келади, деб хаёл қилувчилар тоифасига киритиб бўлмайди.

Бош секретарни бу ерда хўжалик раҳбарлари, ғалла ўраётган механизаторлар кутиб олдилар. Улар орасида бир гуруҳ болалар ҳам бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шу болалардан бирига мурожаат қилиб, қаердан келганлигини суриштирди. Гап орасида шу нарса равшан бўлдики, болалар бундан икки йил муқаддам қўшни «Сибирь» совхозида тузилган «Сибиряк» мактаб колхозидан келишган экан.

Михаил Сергеевич «Сибиряк» раисининг ўринбосари, 10-синф ўқувчиси Андрей Власов билан қизиқиб суҳбатлашди.

М. С. Горбачев: Қув, уддабурон кўринасан. Ўринбосарликка топиб кўтаришганга ўхшайди. (Кулги).

Андрей: Биз ижара усулида ўқувчилар звеноларини ташкил этмоқдамиз. Улар тўла хўжалик ҳисобидадир.

М. С. Горбачев: Андрей, қўлингизда нима бор? Ихтиёрингизга нималарни бериб қўйишган? Ерингиз қанча?

Андрей: 69 гектар ҳайдаладиган еримиз бор. Бугдой, маккажўхори экканмиз. Маккажўхоридан кўкпоя олямпиз, озуқа учун картошка ҳам экканмиз. Бир неча гектарни қора шудгор қилиб қўйганмиз. Далачилик бригадасидан ташқари чорвачилик бригадаси ҳам бор, 12 гектарни боғ қилганмиз. Икки йилдан бери ижара ҳақини тўлаяпмиз, бу йил тўлаб бўламиз.

М. С. Горбачев: Кейин ажраб чиқмайсизларми? (Кулги). Ижара, аввало, ҳисоб-китобни, рисоладагидек ишлаш учун нима қанча керак бўлишини ҳисоб-китоб қилишни талаб этади. Ижара коллективларининг афзаллиги нимада? Тракторлар сони тенг ярмига, автомобиллар эса уч баравар қисқаради. Агар бирон-бир мавсумий ишни бажариш лозим бўлиб қолса, биз техникани икки соатга ёки икки кунга оламиз дейишади. Сиз ҳам лақиллатиб кетишмаслиги учун ҳисоб-китоб қилинг. Қанча фойда олясиз?

Андрей: Ўтган йили 20 минг сўм фойда олган эдик. Бу йил эса салкам 40 минг сўмни мўлжаллаб турибмиз.

М. С. Горбачев: Хўш, гектар бошига қанчадан тушади?

Андрей: Бу йил рентабеллик 150 процентга етади.

Михаил Сергеевич совхозтехникумнинг тузилиш тарихи билан қизиқди. Директор А. Г. Емельянов бу ўқув хўжалиги 1975 йилда В. И. Ленин номли совхоз ва Н. К. Крупская номли техникум негизида тузилганлигини айтди. Ҳозир бу ерда 800 дан кўпроқ ўқувчи асосий қишлоқ хўжалик ихтисосликлари бўйича шуғулланмоқда. Хўжаликда 8840 гектар ҳайдаладиган ер бўлиб, ғалла, озуқа экинлари ва сабзавот экилган. Ишлаб чиқариш рентабеллиги 42 процентдир.

М. С. Горбачев: Хўш, ким кимга ўргатяпти, тушунолмай қолдим? (Кулги).

Овоз: Ана шу ажойиб ибратлар ҳаммамизга сабоқ. Ҳаммамизни тарбиялайди, бошқача бўлиши мумкин эмас.

М. С. Горбачев: Ижара пудратига муносабатингиз қалай?

А. Г. Емельянов: Ҳозир бундан бошқа йўл йўқ.

М. С. Горбачев: Тушунарли, сиз мафкуравий жиҳатдан ижара тарафдорисиз. Амалдачи?

А. Г. Емельянов: Шу йилдан бошлаб асосий ишлаб чиқаришни ижара пудратига ўтказдик.

М. С. Горбачев: Ижара пудратини қанча муддатга тузмоқчисизлар?

А. Г. Емельянов: Ўн йилни мўлжаллаб турибмиз.

М. С. Горбачев: Жуда тўғри.

Овозлар: Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Гап одамга ишониш лозимлиги тўғрисида боради. Мамлакатнинг муҳим ишлари ҳаққоният позициясидан туриб муҳокама қилинганида, деди М. С. Горбачев, халқимиз ҳар қандай вазиятни ҳам тушунади ва қўллаб-қувватлайди. Халқни ҳурмат қилиш керак, бу асосий масаладир.

...Совхоз-техникум далаларида «Кедр» деб номланган янги дон ўриш комбайни завод синовларидан ўтмоқда, бу машинани Красноярск машинасозлари яратишган. Ушбу «дала кемаси»нинг безатилиши ажойиб, қизил-кумуш рангга бўялган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари комбайн ёнига келиб, уни диққат билан кўздан кечирди.

Красноярскдаги дон йиғиш комбайнлари чиқарадиган ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори В. П. Гаврилов янги техника ҳақида сўзлаб берди. У «Кедр» принцип жиҳатдан янги модель эканлигини, машинанинг кўпчилик механизмлари янгича асосланганлигини айтади. Агрегатнинг ерга босимини анча камайтириш, доннинг исрофгарчилигини ҳам қисқартиришга муваффақ бўлинди.

М. С. Горбачев «Кедр»да ишлаётган комбайнчи А. В. Жолоб билан танишди. Комбайнчи янги машинани мақтади, бошқариш қулайлигини, қарови ва қайта жиҳозлаш осонлигини, пухта ясалганлигини айтди. Шундан кейин у Михаил Сергеевични кабинага таклиф этди.

...Абакандан Саян ёнбағирларига бориладиган йўл Енисейнинг ўнг қирғоғидаги қияликлардан ўтади. Чўл манзаралари аста-секин тоғ ўнгирларидаги яшнаб турган дарахтзорлар, йўл чеккаларида қояларнинг мармардек товланиб туриши билан алмашинади. Ана шу табиат гўзаллигига монанд бўлиб Саян-Шушенск ГЭСининг тўғонлари кўзга чалиниб қолди. Гўё, табиат билан инсон яратган иншоотлар уйғун бўлиб кетгандек, аммо... ГЭС бўсағасида гидроиншоот қурувчилари билан ўткир суҳбат бўлди. Саян-Шушенск ГЭСидаги ишлар осон кўчаётгани йўқ, буни бутун мамлакат яхши билади. Мамлакатдаги энг йирик ГЭС, афсуски узоқ йиллардан буён қурилмоқда. Ҳозиргача пардозлаш ишлари ниҳоясига етмаган. М. С. Горбачев гидроиншоот қурувчилари билан Саян-Шушенск ГЭСига тааллуқли муҳим ишларни муҳокама қилганидан кейин станциянинг машина залига кирди, ишчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг шошилинч ишлари нечоғлик кўп бўлмасин, аммо партия раҳбари билан мамлакат ишлари ҳақида ҳар ким суҳбатлашишни истар эди. Гап Сибирнинг ноёб табиатини асраб қолиш ва кооперативлар хусусида бўлди. Қурувчилар ўз ишчи вакилларини албатта район партия комитети бюро аъзолигига сайланишини қаттиқ талаб қилишга ҳақлари борми, деб ҳам сўрашди. Ҳар бир саволга батафсил жавоб қайтарилди.

...Сафарнинг яна бир куни якунланди, яна программанинг белгилаб қўйилган вақтидан чиқиб кетилди ҳам. Бош секретарь қош қорайганидан кейингина аэропортга жўнади. Йўл устидаги Сизая қишлоғида яна тўхталиб ўтишди.

— Михаил Сергеевич, қишлоғимизга кириб ўтганингиз учун раҳмат, дейишди қишлоқ аҳли.

Михаил Сергеевич Сибирь нон-тузи кўтариб чиққан аёл билан саломлашар экан:

— Миннатдорчилигингизни мана бу аёлга билдиринг, — деб жавоб беради. Нонни кўрдиму, ўтиб кетолмадим, ҳа ўтиб кетолмадим. Қилаётган меҳнатингиз, илтифотингиз, муштарак ишга ишончингиз учун раҳмат.

М. С. Горбачев Абаканда КПСС Хакасия область комитети бюроси ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг аъзолари билан учрашди.

(ТАСС махсус мухбирлари).

• *Дала ишлари кундалиги*

ҲОСИЛ ТЕРИМИГА—СУРЪАТ ВА СИФАТ

Бу йил республикамизнинг кўпгина областларида фойдали ҳаво ҳарорати ўтган йилга ва кўп йиллик ўртача кўрсаткичларга нисбатан 150—200 даража юқори бўлди. Айниқса, Бухоро, Жиззах ва Фарғона водийси областларида ҳарорат юқори бўлди. Натижада далалардаги кўсаклар илгаригидан 10—12 кун олдин очилди. Бу қўл теримига анча эрта киришиш ва дефолиацияни тезроқ бошлаш имконини берди.

Хоразм области пахтакорлари теримда суръатни тобора ошириб, кунига 9—10 минг тоннадан ортиқ хом ашё тайёрлашга эришмоқдалар. Улар республикамизнинг улкан хирмонига 150 минг тоннага яқин биринчи сортли «оқ олтин» билан улуш қўшдилар. Бу — Ўзбекистон бўйича тайёрланган жами пахтанинг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Андижон, Қашқадарё, Фарғона ва Наманган областларининг пахтакорлари ҳам кўл теримини кучайтирмоқдалар. Бироқ Самарқанд ва Бухоро областларининг хўжаликлари ҳосил теримида 1985 йилга қараганда анча орқада қолишди. Айни пайтда Самарқанд области ва Қорақалпоғистон АССРда очилган кўсаклар 45—50 процентни, Фарғона водийси областларида 50—55 процентни, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида 60—65 процентни ташкил қилади.

Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида кўсакларнинг очилиш проценти анча юқори бўлишига қарамай дефолиация асоссиз равишда кечиктириляпти.

Мазкур областларда дефолиация ўтказиш суръати 1985 йилдагига қараганда анча паст. Бу ўтган йиллардагидек, машина терими планининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Масалан, Бухоро области ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари дефолиация суръатини шу йилнинг 16 сентябрига 1985 йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар, Самарқанд области тўрт баравар пасайтириб юборишди. Фарғона областида эса жами майдонларнинг 17 процентида дефолиация ўтказилди, холос.

Бу муҳим агротехник тадбир Гулистон, Комсомол, Арнасой, Мирзачўл, Қизилтепа районларида ҳам кечиктириб юборилмоқда. Бу районлар ўз областларининг ўртача кўрсаткичидан ҳам камроқ майдонларда дефолиация ўтказдилар. Чиноз районидаги Карл Маркс номли, Сирдарё районидаги Ленин номли, Қизилтепа районидаги Жданов номли ва «Москва» колхозларида, Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли ва Ворошилов номли, Хатирчи районидаги «Зарафшон» совхозларида дефолиация вақтида катта хатоларга йўл қўйилди.

Бундан буён ҳаво ҳароратининг тобора пасайиши — ишлатилаётган хлорат магний миқдорини янада оширишни тақозо этади. Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бунда юқори ярусдаги кўсаклар зарарланади. Шундай бўлмаслиги учун айниқса, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари дефолиацияни тез ва сифатли олиб боришлари керак. Зеро, бу областларнинг хўжаликларида муҳим агротехника тадбирини ўтказишда сунъий тўсиқлар пайдо бўлгани аниқланди. Агар аҳвол шу тарзда кетса дефолиация мазкур жойларда сентябрнинг охиригача чўзилиши мумкин. Бинобарин, машина теримининг барбод берилишига ҳам йўл қўйилиши турган гап.

Бугунги кунда жойларда дефолиация сифатли ўтказилганда эди, теримда республикамиз бўйича 6 мингдан ортиқ пахта териш машинаси иштирок этаётган бўларди. Шу йилнинг 8 сентябригача 250 минг гектар майдонда дефолиация ўтказилган бўлса ҳам баъзи хўжаликлар машиналарни далага олиб чиқишга шошилмаяптилар. Сирдарё, Сурхондарё ва бошқа қатор областларда бу ишга секинлик билан киришиляпти.

Кўсакларнинг бодраб очилиши колхоз ва совхозларнинг барча ишга яроқли аҳолисининг ҳосил йиғим-теримига жалб этишни тақозо қилади. Бироқ ҳали бунга эришилгани йўқ. Иш унумдорлиги паст. Айни пайтда Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги ҳар бир теримчининг меҳнат унумдорлиги пешқадам Хоразм областидаги теримчиларнинг иш унумидан икки баравар кам.

Жиззах, Мирзачўл, Боёвут районларида айниқса уруғлик пахта теримини кучайтиришга эътибор берилмаяпти. Мирзачўл районидаги Абай номли ва Боёвут районидаги «Боёвут» совхозларида ГОСТ талабларини бузиш, уруғлик пахтани оддий пахта сифатида териш ҳоллари учрамоқда.

Бухородаги «Маданият» ва Ғиждувон районидаги Ленин номли элита уруғчилиги колхозлари уруғлик пахтани теришга вақтида тайёргарлик кўришмагани аниқланди. Когондаги уруғчилик лабораториясининг биноси ҳам мавсумга яхши тайёрланмаган. Область агросаноат комитетининг раҳбарлари ва мутахассислари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Бугунги кунда колхоз ва совхозларнинг ишга яроқли аҳолисини ялпи теримга жалб қилиш, уларнинг юксак меҳнат унумдорлигига эришишларини таъминлаш учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб бериш зарур. Ҳар бир хўжалик терим графигига эга бўлсин. Ички резервлардан самарали фойдаланиб, карталарнинг очилишига қараб, техника ва одамлардан фойдаланиш графиги белгилаб олинса хирмонлар тезроқ қад кўтаради. Шундагина, йиллик планни, 1 ноябргача бажариш имкони туғилади.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахта ва каноп ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг боришн тўғрисида шу йил 16 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан, тўртинчи устун — машинада бир кунда, бешинчи устун — машинада мавсум бошидан терилган пахта.

Хоразм	2,73	23,93	1,51	5,22
Андижон	1,29	13,86	0,13	0,31
Қашқадарё	1,89	13,28	1,42	5,44
Фарғона	1,76	11,38	0,15	0,35
Наманган	1,21	9,55	0,04	0,04
Сурхондарё	0,98	8,09	0,47	0,85
ҚҚАССР	1,19	6,52	0,68	1,57
Тошкент	0,61	4,61	0,06	0,11
Бухоро	1,23	4,44	0,03	0,03
Самарқанд	0,36	1,36	0,05	0,05
Сирдарё	0,26	1,03	0,13	0,27
Республика бўйича:	1,16	8,37	0,40	1,24
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	2,48	20,40	—	—
Сурхондарё	1,05	9,06	0,57	0,90
Қашқадарё	0,82	5,14	0,24	0,43
Самарқанд	1,11	3,94	—	—
Республика бўйича:	0,95	7,52	0,43	0,70

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг боришн тўғрисида 16 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	7,3	93,1
Тошкент	8,2	83,1
Сирдарё	8,5	80,2
Сурхондарё	6,7	70,9
Наманган	8,0	62,1
Хоразм	5,6	52,7
Қорақалпоғистон АССР	7,0	45,6
Андижон	5,2	39,1
Бухоро	6,7	31,9
Самарқанд	5,2	17,5
Фарғона	5,0	15,9
Республика бўйича:	6,9	58,4

ПАХТАЧИЛИК ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛСИН

15 сентябрь куни Нукусда пахтачилик бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Мажлисда пахтакор республикалар агросаноат комитетларининг вакиллари, олимлар ва ВАСХНИЛ ўрта Осиё бўлимининг, ССРР Давлат агросаноат комитетининг, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари қатнашдилар. Мажлисда пахта ва тола ишлаб чиқаришни кўпайтириш комплекс системасини ишлаб чиқиб, жорий этишга доир илмий-тадқиқот ишларига якун ясалди.

Мажлис қатнашчиларининг нутқларида қайд этиб ўтилганидек, тармоқнинг илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ўз фаолиятини ҳали етарлича активлик билан қайта қураётгани йўқ. Етиштириш учун кўп миқдордаги навлар, тавсия этилаётганига қарамай, тўқимачилик саноати ҳар хил турдаги хом ашёнинг етишмаётганини ҳамон сезиб турибди.

Пахтачиликнинг бошқа кўпгина масалалари ҳам ҳал этилмай қолмоқда. Илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан алоқаси ҳали суст. Селекциячиларда тола сифатига баҳо бериш учун шу пайтгача ҳам замонавий прибор ва ускуналар йўқ. Пахта етиштиришнинг индустриал-техник жараёни ишлаб чиқилмаяпти, интенсив технологиялар учун янги машина ва ускуналарни яратиш, пахта заводларидаги қурилмаларни янгилаш борасидаги ишлар секинлик билан олиб борилмоқда. Бунда кўпгина хўжаликлар ҳам илғор тадқиқот усулларини практикага жорий этишга кам эътибор беришмоқда.

Мажлис қатнашчилари пахтачиликдаги аҳволни яхшилаш юзасидан тавсияномалар қабул қилишди.

Мажлисда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

МЕВА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Нишон районидаги «Оқ олтин» совхози боғбонлари давлатга уч план миқдорида — яъни, пландаги 36 тонна ўрнига 120 тоннадан ортиқ ширин-шакар мева маҳсулотлари топширдилар. Бу ютуқларни қўлга киритишда Нурбобо Жўраев, Норсоат Маҳсумов бошлиқ бригадаларнинг соҳибкорлари муносиб улуш қўшдилар.

Шу кунларда боғбонлар давлатга мева топширишни қизғин давом эттирмоқдалар. Ишчилардан Шерали Жўраев, Нормурод Қўлдошев, Туфли Менглиевлар бу ишда кўпчиликка ибрат.

Ҳ. НАЗАРОВ.

АМАЛИЙ ИШЛАРГА ЎТАЙЛИК

КРАСНОЯРСК, 15 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «В. И. Ленин Сибирь сургунида ёдгорлик қўриқхона-музейи экспозициясини кўздан кечиргандан кейин марказий телевидение мухбирининг саволларига жавоб қайтарди.

Савол: Бу ердаги экспозицияга партиянинг биринчи программаси лойиҳаси қўйилган. Унда КПСС XXVII съездида айтилган фикрга ўхшаш гаплар бор. Коммунистнинг умуман авангард роли бўлмайди, у конкрет ишларда ифодаланади. Менимча, мана шу фикр В. И. Ленин бу ерда ёзган деярли ўттизта асарнинг ҳаммасида мавжуд. Сафарингиз давомида шу фикр тасдиқланганини кўрдингизми?

Жавоб: Сиз Лениннинг жуда яхши фикрини топдингиз. Тўғри, мен бошқа нарсани эсладим, у бугунги мулоҳазаларимиз учун, ҳозирги давримизни идрок этиш учун омил бўлиб хизмат қилди. Мен рус социал-демократияси программасини ишлаб чиқишга тааллуқли асарлардан бирини кўзда тутяпман. Бу асарда В. И. Ленин умуман марксча анъаналар руҳидаги фикрни — ижтимоий тараққиёт манфаатларининг пролетариат синфий манфаатларидан устунлиги тўғрисидаги фикрни билдирган эди. Лениннинг меросининг нақадар бойлигига яна бир бор қаноат ҳосил қиласан киши. Ҳақиқатан ҳам пролетариат тарих саҳнасига чиққач, фақат ўз манфаатларини эмас, шу билан бирга тарихий жараённинг умумий йўналишини, айниқса унинг прогрессив жиҳатларини ифодалайди. Шу жиҳатдан қараганда ишчилар синфининг манфаатлари умуман меҳнаткашлар манфаатларига, кенгроқ маънода олганда эса — у ёки бу жамиятнинг барча прогрессив манфаатларига мос келади. Шу марксча фикр бу ерда ҳам янгради. Бизнинг давримизда инсоният цивилизацияси зиммасига қандай вазифалар юклатилганига назар ташланг. Муаммолар пайдо бўлди, уларни биз идрокладик ва мана шу идроклаш умумбашарий қадриятларнинг устунлиги тўғрисидаги формулага айланди.

Цивилизациямиз нақадар қарама-қарши бўлмасин, унда ғоят хилма-хил системалар биргаликда яшаётганига қарамай, бу бизнинг ягона цивилизациямиздир. Чамаси, цивилизацияни ташкил этувчи ҳамма бўлаклар зиммасида уни сақлаб қолиш масъулияти бор. Бу шундай устун жиҳатки, ҳамма ҳеч бўлмаганда соғлом фикрга асосланиб, идеология жиҳатларига эътибор бермаган ҳолда ана шу устунликни ҳисобга олиши керак. Аммо бугунги цивилизация — ўзаро боғлиқ бўлган дунёдир, у ҳозир тор бўлиб қолди ва зиммасига ядро ҳавфи, экология, фан. техника тараққиёти, ресурсларнинг етишмаслиги, ҳам табиатни, ҳам ерни сақлаб қолиш учун меҳнатнинг, ресурсларнинг тўғри тақсимоти каби турли юклар тушмоқда. Ильич ана шу фикрларни айтган жойни келиб кўрганимдан бахтиёрман, чунки бу фикр ҳозирги дунё, биз яшаётган дунё тўғрисидаги мулоҳазаларимизни бойитди ва бу янгича фикрлашга айланди, мен ҳозир бу янгича фикрлашни дунё қабул қилди, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга у барча тараққийпарвар кучларнинг мулоҳаза юритишлари учун омил бахш этди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, фақат тараққийпарвар кучларгагина эмас, буржуазиянинг реалистик кучларига ҳам мулоҳаза юритиш учун омил бахш этди. Биз яшаётган зиддиятли дунёнинг бир-бири билан боғлиқлигини тобора чуқурроқ тушуниб етмоқдалар. Шу ерда сизга ана шуларни айтмоқчи эдим.

Энди сиз такрорлаган ленинча фикрга қайтмоқчиман. Бу фикрни ҳозирги сафар ҳақиқатан ҳам тасдиқлади. Мен бундай деган бўлар эдим: одамлар у ёки бу вазиятга турлича назар билан қарайдилар. Мен ҳам ўз нуқтаи назаримни айтишга уринганлигимни тушунган бўлсангиз керак. Ҳа, ҳақиқатан ҳам мамлакатимизга, бизнинг ҳаммамизга нималар бўлганини умуман тушуниб олиш учун дастлабки икки-уч йил керак эди. Биз бошқа сайёрадан келганимиз йўқ. Совет Иттифоқида бурилиш қилиш, қайта қуришни амалга ошириш тўғрисида топшириқ олиб бошқа давлатдан командировкага келганимиз йўқ. Ундай эмас. Биз ҳаммамиз — ўз давримизнинг, ўз жамиятимизнинг фарзандларимиз. Мен бу гапни кўп такрорлаганман. Биринчидан, қайта қуриш бизнинг ўзимизда вужудга келди, бинобарин бизда имкониятлар бор, барча авлодлар қисматига тушган оғир ишларга қарамай, биз бу имкониятларни сақлаб қолдик. Мен ҳозир ўша даврга қайтиб, унга баҳо бермоқчи эмасман: шунга қарамай, шу ишларни биз амалга оширдик ва уларни янада теранлаштиряпмиз. Бу ишларни биз ўз тарихимизни билиб олиш учун қиляпмиз, чунки ҳеч нарса қуруқ жойда пайдо бўлмайди. Маданиятнинг ҳар бир қатлами, социал тараққиётнинг ҳар бир қатлами ундан олдинги база устида шаклланади. У ана шу ерда вужудга келган барча прогрессив жиҳатларни диалектик тарзда ўз ичига олади, халақит берувчи, тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсаларни рад этади. Шу тариқа биз ҳозир қайта қуришда ўз тарихимизни билиб олишимиз лозим. Шу маънода биз катта интеллектуал иш олиб боришимиз керак.

Бу эса қандайдир бир одамнинг ёки олимлар группасининг ёхуд сиёсатчилар группасининг иши эмас. Бу бутун жамиятимизнинг иши. Биз ана шундай интеллектуал ишни бошлаб юбордик ва ҳозироқ унинг дастлабки натижалари мавжуд. Ўз жамиятимизни, бу жамият қандай йўлни босиб ўтганлигини, бизларга нима бўлганлигини тушуниб етиш маъносидаги натижалар мавжуд. Биз Октябрь ва Ленин берган, революциямиз ўз тараққиётининг дастлабки босқичида Владимир Ильич раҳбарлигидаги берган омилни йўқотганимиз йўқ. Ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан катта синовларга дуч келишимизга қарамай, омилни йўқотиб қўйганимиз йўқ. Аммо биз бузилишлар ва хатоларни ҳам кўриб турибмиз, улар тараққиётимизга таъсир этди, албатта ва ҳозир ҳам жамиятимиз ўз потенциалидан тўла фойдаланишига имконият бермаяпти. Социализмнинг ўзида ана шундай потенциал мавжуд, биз бу потенциални рўёбга чиқаришга эндигина киришяпмиз. Буларнинг ҳаммасини тушуниб етиш ва идроклаш учун икки-уч йил вақт керак бўлди. Тушуниб етмай туриб иш бошлаб бўлмайди. Бирор сиёсатни таклиф қилишдан олдин, халқаро обрў-эътибор туфайли социализм олдида ҳам, бутун дунё олдида ҳам зиммасига алоҳида масъулият тушадиган бизнинг биринчи социалистик давлатимиз каби жамиятнинг олдига бирор мақсад қўйишдан олдин ҳамма нарсани яхшилаб тушуниб олиш керак эди.

Балки баъзи бировлар ана шу давр чўзилиб кетди, биз мунозараларга берилиб, унга қўшилиб кетдик, тезликни ўзгартириб, амалий ишлар йўлига ўтиб ололмаяпмиз, дейиши мумкин. Балки бу одамлар маълум даражада ҳақдирлар. Аммо иккинчи томондан қараганда, биз ўз жамиятимизни ўрганишни яна давом эттиришимиз керак. Асосий жиҳатини тушуниб олдик, эндиликда амалий ишлар зарур. Ҳозирги босқичнинг, биз жўшқин баҳсларда, мунозараларда, баъзан драматик тус олган фикрлар тўқнашувида ишлаб чиққан сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари ана шундан иборат.

Бизнинг аниқ-равшан сиёсатимиз бор. Бу сиёсатни ҳаётнинг ўзи барча йўналишларда чуқурлаштириб, бойитиб бораверади. В. И. Ленин ҳамиша ҳаётни ҳисобга олган эди.

1917 йил ноябридан кейинги дастлабки беш йилни — у касалликка чалингунга қадар ўтган даврни эслаб кўринг. Владимир Ильич ўзини оппортунист, ревизионист деб аташларидан қўрқмай революцион ғоялар ривожига жуда кўп ўзгаришлар киритди.

Ленин каби кишилар юз йилда, балки минг йилда бир марта дунёга келади. Лениннинг ҳақ эканлиги кейинчалик тасдиқланди. Брест сулҳини олиб кўринг. Бу масаладаги мунозарада Ленин деярли яккаланиб қолган эди. Барибир Лениннинг айтгани бўлди.

НЭПни олиб кўринг. Қандай бурилиш эди бу? Ҳатто баъзи энг садоқатли коммунистлар Ленинга қарши боришни хоҳламай, ҳаётдан воз кечдилар. Бу нақадар оғир эди, лекин барибир иш юришиб кетди. Бу иш қандай натижалар берганлигига бир қаранг!

Кейин НЭПга нима бўлганлиги суҳбатимизнинг мавзуси эмас, аммо ана шундай бурилишлар бўлган. Кўлами, тақдирга даҳлдорлиги жиҳатидан бизга ҳозир ана шундай бурилиш керак. Гап революция тўғрисида, социализмнинг тақдири тўғрисида бормоқда. Эндиликда иш зарур. Худди шу соҳада биз орқада қолмоқдамиз. Чунки бу ишларнинг ҳаммаси жўн, осон эмас.

Ҳаммамиз қайта қуриш сиёсатига қўшилдик, бу сиёсатнинг ўрнини босадиган нарса йўқлигига қўшилдик. Қайта қуриш ҳар биримизнинг оиламизга, ақл-идрокимиз ва қалбимизга етиб борди.

Мухбир: Бу осон бўлмади. Куйбишевга қилган сафарингиздан бошлаб ўртага қўйилаётган мавзуларда, суҳбатларда одамларнинг кайфияти қандай ўзгариб бораётганлигини кўриб турибман. Туйғуларга берилиш камайди, аммо ҳақиқат кўпроқ гапириладиган бўлиб қолди.

М. С. Горбачев: Жамиятимиз ўзгарганига ишончим комил. Бу қайта қуришнинг энг асосий натижасидир. Қайта қуриш ҳеч нарса бергани йўқ дейишса, бу тўғри эмас. У энг асосий нарсани, сиёсатни берди. Бу сиёсатни тўғри, баъзан турли томондан танқид қилишмоқда. Аммо ҳеч ким бошқа ҳеч нарсани таклиф қила олмаяпти. Бу биринчидан.

Иккинчидан. Одамларнинг кайфияти бошқача, позицияси бошқача, тақдирга, ўз мамлакатига муносабати бошқача. Энг муҳими ана шунда.

Биз катта йўлга чиқиб олишимиз лозим. Ҳозир энг қийин давр. Агар кимдир йўл қўйилган хатолар, қийинчиликларда кадрлар айбдор деса, мен бундай деяман: ҳа, улар ўтмишига ҳам, ҳозир ҳам кўп жиҳатдан айбдор — уларнинг ҳаммаси ҳам чинакамига ишга кириша олмади. Лекин кимдир ҳамма нарса кадрларга бориб тақалмоқда деса, мен бу фикрга қўшилмайман. Гап фақат кадрларда эмас, гап аввало бизнинг ҳар биримизда. Одамлар муайян андозаларга, ёндашувларга, ишга муайян муносабатда бўлишга кўникиб қолганлар. Ахир бу соҳада ҳам катта, чуқур бурилиш бўлиши керак. Қайта қуришга миллионлаб кишилар қўшилди. Бирданига ҳамма уни тушуна олмайди, қадрлай олмайди. Уни рўёбга чиқариш тағин ҳам қийинроқ.

Шу ўринда биз яна Лениннинг партия тўғрисидаги ғояларига қайтяпмиз. Партиямиз чинакам авангард партия, бинобарин қайта қуришда коммунистларнинг авангардлик роли ҳар қачонгидан ҳам тўлароқ намоён бўлиши керак. Партия орқада қололмайди. У ҳақиқатан ҳам жамиятнинг сиёсий авангарди бўлиши лозим.

Аммо партия ҳамма нарсани — цемент ва ғиштдан тортиб, ички ва ташқи сиёсатнинг улкан масалаларигача ўз зиммасига олса, авангард бўла оладими? Йўқ. У сиёсат, кадрлар сиёсати, оммани ташкил этиш, идеология ишлари билан чинакамига шуғулланиши, жамиятни ҳис этиб туриши, ундаги барча жараёнларни кўра билиши лозим. Вақтида тузатиш киритиб, сиёсатни бойитиши, одамлар билан бир сафда бўлиши, уларни қайта қуришга жалб этиши лозим.

Ҳозир партиямиз жуда масъулиятли даврни бошидан кечирмоқда. Ҳамма иш осон кўчмаяпти. Мен бу ҳақда кўп гапирганман. Ҳозир ўтаётган ҳисобот ва сайловларга қаранг. Коммунистлар нақадар талабчан бўлиб қолишди. Бундан ўн йил муқаддам қандай ўтган бўлса, ҳозир ҳам шундай ўтаётган мажлислар ҳам кўп. Буни ҳам кўриб турибмиз. Ҳамма нарса биз хоҳлагандек бўлаётгани йўқ. Кўпгина бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар уларга бошқа одамлар бошчилик қилишлари керак, деган фикрга келдилар. Шу икки йил ичида улар ким ўзини қандай тутаётганлигини, қандай позицияда турганлигини кўрдилар. Мана энди сайлов яширин овоз бериш йўли билан ўтмоқда. Бунинг устига одатда бир неча номзоддан бирини сайламоқдалар, бинобарин тушуниб етиш жараёни давом этмоқда. Қийинчилик билан бўлса ҳам, давом этмоқда.

Мухбир: Биз журналистларда ҳам бу жараён давом этмоқда. Айтмоқчи, худди шу ерда, Шушенскоеда партия матбуотига, «Искра»га, унинг ташкилотчилик ролига ленинча ғоя шаклланган эди. Ҳозир бу вазифа олдинги ўринга чиқмоқда.

М. С. Горбачев: Матбуот, уни Ильич тасаввур этганидек, ҳам коллектив пропагандист, ҳам коллектив агитатор, ҳам коллектив ташкилотчи бўлиши лозим.

Ҳозир амалий ишлар даври. Бинобарин, бу ленинча ғояни ишларда мужассамлаштириш, илғор тажриба ҳамманинг мулкига айланиши учун бундай тажрибани ўз вақтида кўтариб чиқиш керак. Ҳозир қандай ишлаш лозимлигини тушуниб етиш жуда муҳим. Буни тушуниш қийин кўчади. Кўпинча инсон консерватор ёки қолоқ бўлгани учун шундай бўлмайди. Йўқ, ундай эмас. Шунчаки, у ҳали ўз ўрнини топгани йўқ. У ҳозир қандай ишлаш кераклигини ҳали ҳам изламоқда. Матбуот ҳам ўз ўрнини изламоқда. Менимча, матбуот янада чуқурроқ, янада билимдонроқ, янада масъулиятлироқ бўлади. Баъзан матбуотда жаҳлни қўзғатадиган кўпгина нарсалар бўлмоқда, албатта. Сиз, журналистлар ўз хатоларингиз учун ўзларингиз танқидга учраяпсизлар. Бу ҳақда сизларга яхшилаб эслатиб қўйишяпти. Тўғри қилишяпти. Биз партияда, давлатда, тармоқларда танқид учун зоналар очиб қўйяпмиз. Матбуот ҳам танқиддан четда бўлмаслиги керак. Нима, бизда матбуот контролдан ташқарида бўладими? Бунақаси бўлмайди. Жамият бунга йўл қўймайди.

Мухбир: Матбуот тўғрисида қонун тайёрланмоқда. Бу қонун бир томонлама, фақат журналистга тазйиқ ўтказадиган тусда бўлмаслигини истар эдик.

М. С. Горбачев: Шубҳасиз.

Мухбир: Журналистларга нисбатан турли жазо чоралари, пул жарималари солиш таклиф қилинмоқда...

М. С. Горбачев: Шундайми, яхши-яхши. (Кулги).

Бу масалани демократия асосида ҳал қиламиз. Демократия матбуот учун ҳам хизмат қилиши керак.

Давримиз мураккаб ва қийин, аммо қайта қуришда қатнашаётган кишилар учун буюк ва бахтлидир.

Менимча, бизда фақат гапириш учун эмас, қайта қуриш йўлидан ҳаракат қилиш учун ҳам кучимиз етарли.

Мухбир: Суҳбат учун раҳмат.

Бизнинг суҳбат

ҲАҚИҚАТ ОРҚАЛИ ПОКЛАНИШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. НИШОНОВ билан суҳбат

— 1985 йил апрелида мамлакатда социализмнинг турли кўринишдаги бузилишларига қарши қатъий кураш жараёни бошланди. Партиянинг кейинги съездида таъкидланганидек, қўшиб ёзишлар, порахўрлик, йирик жиноятчилик Ўзбекистонда анча кескин шаклда намоён бўлди. Орадан уч ярим йил вақт ўтди, чамаси, бу курашда айрим якунларни чиқариш мумкин. Бироқ шу нарса ҳеч кимга сир эмас-ки, республикада яхшилик сари ўзгаришлар қийинчиликлар билан бўлаётгани ҳақида ҳануз овозалар тарқалиб турибди. Матбуотдаги айрим чиқишлар ҳам шундан далолат бермоқда.

— Ҳамма учун бурилиш даври бўлган бу босқичда партия ташкилотларига фаол ёрдам бериб, матбуот кўп иш қилди. Лекин у ошкоралик кўзгуси сифатида нуқсонларнинг қатламларини очар экан, гоҳида эскилик бузилаётган айни чоғда янгилик туғилаётганлигини пайқамаётир.

Республикада жамият ҳаётининг барча жабҳаларини соғломлаштириш учун турғунлик даври меросига қарши қаттиқ, оғир кураш кетмоқда. Социалистик ўзгартишлар, ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш мобайнида Ўзбекистон халқи шуурига сингдирилган маънавий негиз ноёб даражада мустаҳкам бўлиб чиққанлигини шу ўринда дарҳол таъкидлаш лозим. Жамики қинғирликлар ва бузилишлар унга путур етказа олмади. Шу йилнинг апрелида Ўзбекистонда бўлган чоғида М. С. Горбачев ҳам одамларнинг фаоллиги, рўй-рост мулоҳазаси, ғоят жиддий масалаларни муҳокама қилиш истаги ўзида энг кучли таассурот қолдирганлигини таъкидлади.

— Рафиқ Нишонович, республикада қачондан бошлаб кадрлар билан ишлашда тартиб ўрнатила бошланди?

— Аслини олганда, Рашидов вафотидан кейиноқ. Бу ишни юқори бўғинлардан бошлашди. 1984 йилнинг январида Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Каримов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Ғойипов ишдаги жиддий нуқсонлари учун лавозимларидан озод қилиндилар. Уларни порахўрлик ва қўшиб ёзишга дахлдорликда гумонсирашди. Лекин у пайтда бизда фактлар йўқ эди. Дарвоқе, Каримовни 8 ойдан кейингина ҳибсга олишди. Ғойипов ва бошқаларни ҳибсга олиш учун яна ҳам кечроқ киришишди.

— Республикада салбий ҳолатларга қарши кураш бошлашга нима туртки бўлди?

— КПСС Марказий Комитети масъул ходимлари группасининг партия ва давлат қурилиши масалаларини ўрганиш учун 1984 йилнинг бошида Ўзбекистонга келиши. Таҳлиллар республикада партия ҳаётининг ленинча нормалари унутилганлиги, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик қўпол бузилганлиги, ўғирликлар, қўшиб ёзишлар, порахўрликлар одатдаги ҳолга айланганини кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси кейинги ўн йилликларда кадрларни сиёсий ёки ишчанлик фазилатларига қараб эмас, балки юртдошлик, қариндош-уруғчилик кўринишларига қараб танлашдан иборат ярамас тажриба таркиб топганлигининг натижасидир.

Район партия комитетларининг кўпгина секретарлари ўзларини маҳрига тушган ерларнинг хонлари сингари ҳис қилишарди. Истасша — жазолашарди, истасша — мурувват қилишарди. Улар учун, масалан, «керакли одам»ни жиноий жавобгарликка тортмасликни ҳуқуқ-тартибот органларига буюриш ҳеч гап эмас эди.

Бу оғир дардни даволаш йўлларини топиш лозим эди. КПСС Марказий Комитети вужудга келган аҳволни пленумда муҳокама қилишни таклиф этиб, бизнинг партия ташкилотимизга катта ишонч кўрсатди. Коммунистларимиз ўз XVI пленумларига шундай келишди...

— ... бу пленум портлаган бомбадек таъсир қилди.

— Худди шундай, шу пленумда илк бор республикада ҳар йили 400 минг тоннадан кўпроқ пахта қўшиб ёзилганлиги айтилди. Эътибор беринг. Бу ҳақда пленум иштирокчиларининг ўзлари гапиришди. Яна ҳам аниқроқ рақамлар кейинроқ маълум бўлди. XVI пленумда ҳали кўпгина нарсалар очилмай қолганди. Чунки, унинг иштирокчилари орасида мана шу жиноятларнинг ҳаммасида айбдор бўлган кишилар ҳам бор эди.

— Чамаси, Ўзбекистон партия ташкилотини даволашнинг қандайдир умумий йўллари ишлаб чиқилган. Сиз профессионал сир пардасини бир оз очишингиз мумкинми?

— Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. 1984 йилнинг июлида, айни XVI пленумда барча қинғирликлар ва суиистеъмолликларни бартараф этиб олиш йўллари ишлаб чиқилганди. Партиявий раҳбарликнинг ленинча принциплари: коллегиаллик, ошкораликни тиклаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, бошланғич партия ташкилотларининг активлигини қайта тиклаш лозим эди. Эски кадрлар корпуси бу вазифаларни ҳал қилишга қодир эмасди. Кадрлар сиёсатини соғломлаштириш асосий ва кечиктириб бўлмайдиган муаммога айланди.

Илк босқичда обрўсини тўкиб қўйган кишилардан сўзсиз халос бўлиш керак эди. Кейинчалик ўзи покиза, виждонли бўлса ҳам ожиз ходим саналган ҳамма кишиларни ўзгартириш кутилганди. Мана шундан кейингина ўз ишчанлик ва сиёсий фазилатларига кўра муносиб кишиларни лавозимларга тавсия этиш мумкин эди. Бу бир кунда туғалланмайдиган жараён. У ҳануз давом этмоқда.

Республикада тўрт йилда 58 минг масъул ходим вазифасидан олиб ташланди.

— Ҳозир рашидовчилик тўғрисида кўп ёзишмоқда. Сиз 1963—1970 йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология бўйича секретари бўлиб ишлагансиз. Наҳотки, ўша кезлари республикада мана шу жиноятга қарши чиқа олувчи соғлом кучлар топилмаган?

— Шундай кишилар бор эди. Улар марказга ёзишарди, раҳбарликнинг бу ярамас услубига қарши чиқишарди. Бироқ бутун бахтсизлик шундаки, турғунлик йиллари принципиаллик қадрланмасди. Бу кишиларни шафқатсизларча қувғин қилишарди. Чунончи, Рашидовнинг ҳийла-найранглари туфайли Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғуломовни вазифасидан озод қилишди. Унинг республикадаги носоғлом муҳит тўғрисида КПСС Марказий Комитетига ёзган хатлари йўлига Рашидов томонидан тўғаноқ қўйиларди. Маълумки, Рашидов Брежнев билан яхши муносабатда эди. Дарвоқе, ҳозирда Р. Ғуломов — Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашига раҳбарлик қилмоқда.

Шунингдек, ўз тақдирида арбоб-хўжайиннинг ғазаби ва ўчини синаб кўрган академиклардан М. Муҳаммаджонов, Ҳ. Абдуллаев, Марказий Комитетнинг собиқ иккинчи секретари Р. Е. Мельников, Министрлар Советининг собиқ раиси О. Алимов ва бошқаларнинг номларини ҳам тилга олиш мумкин. Ўз фикрига эга бўлган, Рашидовга эътироз билдириш ёки мунозара қилишга уринган ҳар бир киши дарҳол «яхши ният» ниқоби остида раҳбарлик ўрнидан олиб ташланарди. 60-йилларнинг охирлари, 70-йилларнинг бошларида Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев, Тошкент область партия комитетининг секретари А. Абдураззоқов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимовларнинг ҳам қисмати шундай бўлди...

— Ўзингиз ҳам партия ишини дипломатия иши билан ўзгартиришга мажбур бўлдингиз ва бу иш билан ўн олти йил мобайнида шуғулландингиз.

Кўпгина газетхонларимизни ҳаяжонлантираётган бир саволни беришни истайман. Қайта қуриш мобайнида миллий муносабатлар соҳасида кўпгина ҳал этилмаган муаммолар юзага қалқиб чиқди. Қозоғистон, тоғли Қорабоғдаги воқеалар бундан далолат. Ахир Ўзбекистонда ҳам кўпгина миллат ва элатларнинг вакиллари яшайдилар-ку. Шу маънода республикангизда бирон бир муаммо борми?

— Бошқа кўпгина соҳаларда бўлгани сингари бу борада юз берган нуқсонлар ҳам кўп жиҳатдан яна ўша кадрлар сиёсати билан белгиланади. Раҳбарлик лавозимларига волюнтаризм, шахсий содиқлик, ошна-оғайнигарчилик позицияларидан туриб мутлақо тасодифий кишилар кўтариб қўйиларди. Улар миллатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишига ҳам халақит беришарди...

— Бироқ Рашидов ўз вақтида республикадаги етакчи публицистлардан ҳисобланарди, интернационал тарбия муаммолари бўйича етук мутахассис эди...

— Бугун у қандай ёзувчи ва раҳбар бўлганлиги ҳаммага равшан. Интернационал тарбияга келганда эса пахтачиликда бўлгани каби бу борада ҳам қўшиб ёзишлар, дабдабабозлик кўп эди. Партия комитетларининг ишида аниқ система ва натижаларни танқидий баҳолашга ўрин қолдирилмаганди, салбий жиҳатлар хусусида лом-мим дейилмасди. Партияга қабул қилиш, давлат мукофотларига тавсия этиш, партия ва давлат аппарати, ҳуқуқ-тартибот органлари, фан ва маданият муассасалари миллатчилик сари оғиш ҳолатида шакллантириларди. Вазият кўпгина социал муаммоларнинг ечилмаганлиги туфайли ҳам оғирлашганди.

— Бу мураккаб масалаларнинг ҳаммаси эндиликда қандай ҳал этилмоқда?

— Яқинда Ўзбекистон раҳбарияти қўшни республикалар — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон раҳбариятлари билан биргаликда вазиятни ва ўз реал имкониятларини хушёрлик билан таҳлил қилиб, республикаларнинг иқтисодий, социал ва маданий ривожланишининг устун жиҳатларини белгилади, нуқсонларни, ўтмишнинг салбий оқибатларини бартараф этишга бел боғлади.

— Буларнинг ҳаммаси амалда нимани билдиради?

— Бугунги кунда Ўзбекистонда яшаб турган тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, қрим татарлари, бошқа миллат вакилларининг маданий эҳтиёжлари тобора тўла қондирилмоқда. Бироқ гоҳида миллийлик ва интернационаллик мутаносиблиги, тилнинг роли тўғрисидаги масалаларни ғоят қизишиб ва ўйламасдан муҳокама қилиниш ҳолларига бефарқ қараб бўлмайди.

Албатта, бугунги муаммолар ўрнида жамиятнинг сифат жиҳатдан бошқача ҳолати вужудга келтирган янги муаммолар юзага келади. Энг муҳими—муаммолар носоғлом тус олмай туриб, уларни ўз вақтида ҳал қилиш керак.

—КПСС Марказий Комитети кейинги тўрт йилда Ўзбекистонга юзлаб тажрибали баобрў коммунистларни юборди. Бу республикада партиявий ишнинг усул ва услубларига бирон-бир даражада таъсир кўрсатдими?

— Аввало республикага шундай кўламли ёрдам кейинги ўттиз йил мобайнида биринчи маротаба амалга оширилганлигини таъкидламоқчиман. Янги ходимларнинг келиши чиндан ҳам мамлакатдаги йирик партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий иш тажрибасини қўлланишга ёрдам берди. Натижада партия комитетларидаги, меҳнат коллективларидаги муҳитнинг ўзи ўзгармоқда. Ошкоралик, демократиялаш ва ҳар қандай лавозимдаги раҳбарларга талабчанлик руҳи қарор топмоқда.

Бу йил партия комитетларининг пленумлари, бюролари, активларида 2449 раҳбар ходимнинг, бошланғич партия ташкилотларида 28872 раҳбар ходимнинг ҳисоботлари тингланди. Ҳозирнинг ўзида 40 мингга яқин раҳбар демократик йўл билан сайланди. Коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси катта самара берди.

Биз яхши биламизки, партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар мобайнида ўтмишнинг ниқобланиб олган тарафдорлари турли демагогик усуллардан фойдаланиб, қайта қуриш кучларига қарши чиқишга уриниб кўрадилар. Улар албатта миллий туйғуларда, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик кайфиятларида чайқовчилик қилиб кўрадилар. Бироқ коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатламлари ким қайта қуришнинг чинакам курашчиси-ю ким ошкоралик ва демократия тарафдори ниқоби остида уни орқага буриб юборишга уринаётганини фарқлай олишларига шубҳа қилмаса ҳам бўлди.

— Ўзбекистонда пахтани муаммоларнинг манбаи деб ҳисоблайдилар. Бу экин турғунлик йилларида асосий экинга ва қўшиб ёзишлар қуролига айлантирилди. Планлаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришдаги қинғирликларни тузатиш йўлида бирон-бир иш қилишга муваффақ бўлиндими?

— Савол унчалик аниқ қўйилмади. Пахта Ўзбекистоннинг Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотидаги энг муҳим интернационал ҳиссаси, мамлакат экономикасининг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ва яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида таъкидланганидек, Озиқ-овқат программаси бирон-бир маънода пахтачиликка зид эмас.

Қўшиб ёзишларга келганда эса сиз тамомила ҳақсиз. У пайтлари амал қилган хўжалик механизми деҳқонни сифат кўрсаткичларига эмас, миқдор кўрсаткичларига йўналтирарди. Пахтакор меҳнати пировард маҳсулот — толага қараб эмас, балки пахта хом ашёсига қараб баҳоланарди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети 1985 йили республиканинг тола бўйича ҳисоб бериш юзасидан этган таклифини қабул қилдилар. Пахта тозалаш саноати министрлиги тугатилди. Маълумки, давлатни ҳаёсизларча ўғирлаган яширин миллионерлар ўз қаро қилмишларини худди шу министрлик бўлинмаларида амалга оширишганди.

Бу чоралар ўз натижаларини берди. Агар 1983 йили пахта толасининг чиқиши 26,6 процентни ташкил қилган бўлса, 1987 йили 32,2 процентни ташкил этди. 1987 йили қайта ишланган хом ашёдан 1983 йилдагига қараганда қўшимча 270 минг тонна тола ва 26 минг тонна ёғ олинди. Уларнинг жами қиммати 500 миллион сўмдан ошиб кетди.

— Республикадаги ҳозирги вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

— Шуни айтиш керакки, экономикани соғломлаштиришнинг бизда бошланган жараёни, янги хўжалик механизми ҳали бизга зарур бўлган суръатни касб этгани йўқ. Имкониятлар бўлса бор. Дастлабки натижалар шундан далолат беради. Янгича шароитларда ишлаётган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми шу йилнинг етти ойи мобайнида 4,4 процентга кўпайди. Айни чоғда эса республика саноати бўйича умуман ўсиш фақат 1,6 процентни ташкил этди. Бригада, оила ва ижара пудрати асосида ишлаётган коллективлар яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бугун биз социал муаммоларни ҳам ҳал этишнинг аниқ программасига эгамиз. Республикада соғлиқни сақлашдаги аҳвол газета ва журналларнинг саҳифаларида, телевидение орқали кўп танқид қилинди. Аҳвол яхшилик сари ўзгариб бормоқда. Қисқа муддатда 400 маъмурий бино медицина муассасалари учун ажратиб берилди. Уларнинг 162 тасида даволаш-профилактика марказлари ишлаб турибди.

Рашидовнинг оиласи ва унинг теварагидагилар учун қурилган кошоналар эндиликда Тошкент шаҳар коммунал хизмати ходимларининг профилакторийси учун топширилди.

Партия органлари уй-жой тақсимотида ҳам социал адолатга риоя этилишини қаттиқ назорат қилмоқдалар. Тошкентдаги 60 квартирали уй-жой биноси Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва инвалидларига топширилди.

1990 йилгача мавжуд уй-жой фондини амалда икки баравар оширишдан иборат қурилишнинг ғоят тиғиз программаси қабул қилинди.

Кўпгина областларнинг марказлари ва йирик шаҳарларида ярмаркалар мунтазам ўтказилмоқда. Кечқурун ва тунлари савдо хизмати йўлга қўйилди. Кейинги бир ойда 60 дан кўпроқ магазин кеча-кундуз ишлаш режимига ўтказилди. Умумий майдони 8 минг квадрат метр бўлган 130 га яқин турли биноларнинг биринчи қаватлари савдо ва маиший хизмат корхоналарига топширилди. Ўйлаймизки, социал жиҳатдан қайта қуришнинг мана шу ва бошқа чоралари кишиларда адолатга ишончни уйғотишга ёрдам беради. Олдимизда эса қизғин ишлар турибди. Қимирлаган қир ошар, — Шарқда шундай дейдилар.

— Ниҳоят сўнгги савол. СССР прокуратурасининг тергов группаси ишини Сиз қандай баҳолайсиз?

— Ғоят ижобий баҳолайман. Биз СССР прокуратураси ходимлари, республика ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари билан яқин алоқада иш олиб бормоқдамиз. Улар республикада тартиб ўрнатиш, Рашидовнинг атрофидагилар орасидан порахўрларни аниқлаб, уларни жавобгарликка тортиш, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, суиистеъмолчилик билан ўзига доғ туширган ҳамма кишиларни жавобгарликка тортиш бўйича иш олиб бормоқдалар. Кескин кураш кетмоқда. Бунда сўз эмас, амалий ишлар асосий қуролдир.

Лекин шуни рўй-рост қайд этишни истардимки, прокуратура органлари партия органлари томонидан қаттиқ қўллаб - қувватланмаганида ҳамда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмаганида самарали ишлай олмасдилар. Мана шу ўзаро алоқалар салбий ҳолатларни аниқлаш ва хатоларнинг олдини олишга ёрдам бермоқда.

Меҳнаткашлар ҳар биримизнинг фаолиятимизга аниқ амалий натижалар, аввало кишиларнинг яшаш шароитини яхшилашдаги ўзгаришларга қараб баҳо беради. Инсонпарварлик ишимизнинг бош мезонидир.

Суҳбатни П. Лукьянченко олиб борди.

(«Аргументы и факты» ҳафталик газетасидан, 16 сентябрь).

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

16 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилиши бўлди. Унда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда республика матлубот кооперацияси ходимлари қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишини яхшилаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, резервларни қидириш, аҳолидан маҳсулот сотиб олиш ҳажмини кўпайтириш учун аниқ бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қилишлари лозимлиги таъкидланди. Кооперация тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан Ўзбекбирлашув системасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг бутун фаолиятини демократиялаш катта аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Центросоюз правлениеси раисининг ўринбосари Б. И. Гонтарь қатнашди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕРМИЗ, 16 сентябрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида область маҳаллий Советининг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги роли муҳокама этилди. Область халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси ҳам қараб чиқилди. Депутатлар аввалги сессияда айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотни тингладилар.

Сессияда Узсовпроф раиси Х. А. Алимова, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов нутқ сўзладилар.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САФАР

Совет Иттифоқига норасмий визит билан келган Финляндия Бош министри Харри Холкери Ўзбекистон билан танишмоқда. У 16 сентябрда Бухорога келди.

Финляндия ҳукуматининг бошлиғи Ўрта Осиёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бирининг диққатга сазовор жойлари билан танишди, унинг архитектура-тарихий ёдгорликларини кўздан кечирди.

Шу куни Х. Холкери Бухородан Самарқандга жўнаб кетди.

Республика бўйлаб сафарда Финляндиялик меҳмонга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎзТАГ)

В. В. КУЙБИШЕВ ҲАҚИДА КИТОБ

В. В. Куйбишевни партиядош ўртоқлари ғоят қисқа ва аниқ таърифлаб, «бутун вужуди билан большевик» деб атар эдилар.

«Валериан Владимирович Куйбишев. Биография» китоби совет сиёсий хўжалик раҳбарининг новатор ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди. (ТАСС).

Польшалик журналист Ўзбекистон меҳмони

Польшалик журналист, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети «Загадиеня и материали» журналининг бош редактори Богуслав Рихвальский Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Қардош мамлакатдан келган меҳмон Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида республика оммавий-ахборот воситалари ходимлари билан учрашув бўлди.

16 сентябрь куни Б. Рихвальскийни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Дунё воқеалари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЬША

ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский Польша қишлоқ меҳнаткашларининг ватан фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнати учун уларга самимий миннатдорчилик изҳор қилди. У ҳосил ўрим-йиғими тугашига бағишланган анъанавий байрамда нутқ сўзлади. Байрамнинг асосий тантаналари Плешевда (Калиш воеводалиги) бўлиб ўтди.

Ўтган йили мамлакат қишлоқ хўжалиги учун қулай келмади, деди Польша раҳбари, аммо шунга қарамай, поляк деҳқонларининг астойдил меҳнати, граждanлик, ватанпарварлик позицияси туфайли дуруст натижага эришилди. Ҳозир гап келгуси йил миллий иноқлик, Польша бадавлатроқ, бахтиёр ва яхшироқ бўлишига олиб келадиган барча куч-ғайратларни мустаҳкамлаш учун намунали йил бўлиб қолиши тўғрисида бормоқда. Биз ҳаммамиз шундай бўлишини истаймиз, деб таъкидлади В. Ярузельский.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА. Чехословакиялик автомобиль ҳаваскорлари аллақачонлардан бери кутаётган янги кичик литражли «Шкода—136 Л-Фаворит» автомобилни ниҳоят мамлакат йўлларида қатнай бошлайди. Концернинг фирма магазинларида ана шу маркадаги дастлабки машиналар аҳолига сотила бошлади. Ҳозирча уларнинг сони унчалик кўп эмас ва янги машинани сотиб олишни истаётганлар кўп.

Млада Болеславдаги «Шкода» заводининг вакиллари журналистларга маълум қилишларича, «Фаворит» автомобилини ишлаб чиқариш кўпайиши билан уларни аҳолига сотиш ҳам кенгайтирилади.

Чехословакиядаги автосервис тармоғи янги машиналарга хизмат кўрсатишга ҳозирлаб қўйилди: «Шкода»нинг янги модели ҳозирги замон дизайнининг ажойиб намунасидир. Янги машина ўзидан аввалги моделига нисбатан ёнилғини анча кам сарфлайди, унинг аэродинамик сифатлари яхшиланган. (ТАСС).

Қайта қуриш ва халқаро муносабатлар

НЬЮ-ЙОРК. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда хавфсизлик муаммоларини ўрганиш институти ташкил қилган халқаро симпозиум қатнашчилари кенг доирадаги иқтисодий масалаларни — савдо соҳасида Совет—Америка муносабатларининг истиқболларидан тортиб СССРда хўжалик механизмини қайта қуриш масалаларигача муҳокама қилдилар. Нью-Йоркдаги мана шу нуфузли тадқиқот марказининг конференциялар залида таниқли иқтисодчилар, дипломатлар, кўпгина мамлакатлар савдо-саноат доираларининг вакиллари тўпландилар.

Симпозиум қатнашчилари СССР Фанлар Академияси экономика бўлимининг академик секретари А. Г. Аганбегяннинг Совет Иттифоқи хўжалик сиёсатидаги, жумладан унинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги ўзгаришлар тўғрисида берган ахборотини зўр эътибор билан тингладилар. Олим СССРда иқтисодий ислоҳот дуч келаётган қийинчиликлар тўғрисида ҳам гапирди.

Вашингтондаги «План-экон» тадқиқот марказининг директори Я. Вэнаус ва АҚШнинг Чехословакиядаги собиқ элчиси Г. Луэрс СССРда амалга оширилаётган жараёнларни қувватлаб гапирдилар. Луэрс қайта қуришни у ўз ҳаётида кузатган «энг революцион тинч бурилиш» деб атади.

АҚШ давлат департаментининг стратегик технологиялар бўйича мутахассиси А. Вендтнинг нутқи залда очиқдан-очиқ эътирозларга сабаб бўлди. У эскича тафаккур андозаларига асир бўлиб қолиб СССРга нисбатан камситувчи савдо-иқтисодий чеклашларни бекор қилиш учун бир қанча ҳарбий ва гуманитар масалаларда Совет Иттифоқининг Ғарбга ён беришини шарт қилиб қўйди.

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда хавфсизлик муаммоларини ўрганиш институтининг президенти Ж. Мроз, Я. Вэнаус ҳамда АҚШнинг ГФРдаги собиқ элчиси Г. Ван Велль Вашингтоннинг савдо-сотиқ соҳасидаги тақиқлашлари Қўшма Штатларнинг манфаатларига ҳам, шунингдек унинг Ғарбдаги шериклари манфаатларига ҳам зид эканлигини айтиб ўтдилар.

ТАСС мухбири билан суҳбатда Ж. Мроз мунозара гоят сермазмун ва самарали бўлганлигини айтди. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганиш Нью-Йорк институти ташкил этган А. Г. Аганбегян раисилигидаги экспертларнинг халқаро ишчи группаси доирасида давом эттирилади.







ГВАТЕМАЛА:

Ўтмишнинг оғир мероси

Марказий Америкадаги кичик мамлакат — Гватемала жаҳондаги энг қолоқ ва қашшоқ мамлакатлардан биридир. Айниқса, мамлакат учун ҳарбий режимларнинг ўттиз йилдан кўпроқ ҳукмронлиги оғир оқибатларга олиб келди. Маълумки, улар Америка найзалари ёрдамида 1954 йилда Х. Арбенс демократик ҳукуматини ағдариб ташлаб, ҳокимиятни эгаллаган эдилар. Мамлакат экономикасини миллатлараро корпорациялар ва маҳаллий олигархия зулукдек сўради. Уларнинг хўжайинлиги оғир кулфатларга олиб келди. 1986 йил январида ҳокимият тепасига келган граждanлар ҳукуматига оғир мерос қолди: 5 миллион граждан ўта қашшоқ шароитларда яшамоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг салкам ярми ишсиз, қишлоқ жойларда аҳвол жуда оғир.

Сиз кўриб турган суратларда ўтмишнинг ана шу оғир мероси акс этган. Мана бу қизалоқнинг реклама плакатидаги аёл сингари гўзал бўлиш орзуси асло ушалмайди; армия солдатлари қўзғолончилар билан навбатдаги тўқнашувдан сўнг, қашшоқлар кун кечириш учун ахлатхоналарда овқатланмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ЭРОН-ИРОҚ МУЗОКАРАЛАРИДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Х. Перес де Куэльяр Эрон-Ироқ музокаралари доирасида Эрон ва Ироқ делегацияларини алоҳида-алоҳида бўлган учрашувларини давом эттирмоқда, деди Женевада БМТ Бош секретарининг вакили Франсуа Жулиани.

Ф. Жулианининг айтишича, гарчи Ироқ ташқи ишлар министри ҳозирги вақтда Миллатлар саройидан жўнаб кетган бўлса ҳам, аммо мазкур мамлакат делегацияси ишни давом эттирмоқда. Тариқ Азизнинг яна Миллатлар саройига қайтиб келиши мумкинлигини Бош секретарь вакили истисно этмади. Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, БМТ Бош секретари Эрон ва Ироқ делегацияларини алоҳида- алоҳида учрашувлар ўтказаётган экан, бу музокаралардаги қийинчиликлардан далолат бериб турибди.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

Ҳозир олимлар Антарктида устидаги «озон туйнуги»ни қандай ямаш керак, деган саволга жавоб қидирмоқдалар. «Озон туйнуги» АҚШ территориясидан ҳам каттадир. Ернинг озон қатлами бузилишини олимлар тери раки, катаракта касалликлари ўсиши билан боғламоқдалар... Дарвоқе, кейинги йилларда озон жамланишининг камайиши Арктика узра ҳам кузатилмоқда.

Лекин инсониятнинг планета озон қатламини сақлаш йўлидаги кураши, қуролярог ишлаб чиқариш ва уларни такомиллаштириш давом этар экан, нимага арзийди?

Маълумки, озоннинг энг кўп жамланиши 20 километрдан 50 километргача баландликда бўлиб, у юқорига (60 километргача) ва пастга (10 километргача) кескин камайиб боради. Агар ана шу баландликларда баъзи газсимон моддаларнинг жуда озгина қисми пуркалса, унда ана шу районда муваққат «дарча» пайдо бўлади. Унинг остида қаттиқ ультрабинафша ва бошқа космик нурланишлардан Ер юзасидаги барча тирик мавжудот ҳалок бўлади. АҚШ ҳарбий мутахассислари ер қуррасининг аввалдан белгиланган районларини ўлик саҳрога айлантириш учун улар устида ана шундай «дарчалар»ни яратиш ғояси билан қуролландилар.

Америкаликлар атроф муҳитга ҳарбий мақсадларда таъсир кўрсатишнинг бошқа усулларини эса синаб кўришган. Вьетнамдаги уруш чоғида америкалик учувчилар йўлларни ювиб кетган, ўпирилишлар ҳосил қилган, қуруқликнинг айрим жойларини сувга бостирган, тўғонлар ва кечувларни вайрон қилган сел ёмғирларини кучайтириш учун 2600 дан ортиқ парвоз қилишган. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари кислотали ёғинларни келтириб чиқарадиган гигроскопик ёки нам деб аталувчи, илиқ пағали булутларга махсус химиявий моддаларни «қадаш» экспериментларини ўтказди. Бундай ёғинлар алоқа ва радиолокацион станциялар воситалари ишига халақит беради, техниканы ишдан чиқаради.

АҚШда ҳарбий мақсадлар учун довулнинг кучи ва йўналишини ўзгартириш, цунами типидаги йўналтирилган баҳайбат тўлқинларни вужудга келтириш, сунъий зилзилаларни, тоғларда кўчкиларни пайдо этиш, вулқонлар отилишини кучайтириш воситалари ва усуллари муваффақиятли ўрганилмоқда... Ҳарбий-илмий тафаккур жамики тирик мавжудотни табиатнинг ўзи воситасида қириб ташлашга бўлган интилишида мана шундай ҳаддан ошиб кетган.

Варшавада ўтган Сиёсий Маслаҳат Комитети кенгашининг қатнашчилари геофизик қуролнинг ана шундай турларига қатъий қарши чиқдилар. Улар қуролнинг шу хил системаларини яратиш, ҳарбий ёки бошқа ғанимлик мақсадларида атроф-муҳитга таъсир ўтказишга қаратилган уринишлар сира кутилмаган эколог оқибатларга олиб келади, деб огоҳлантирмоқдалар. Варшава Шартномаси ташкилоти қатнашчилари Варшавадаги баёнотида экологик муаммоларни ҳал этишни тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш билан чамбарчас боғламоқдалар.

Ҳозир хавф-хатар табиатни вайрон этувчи қуролни ишлатиш натижасидагина эмас, балки қўшгина алоқаси йўқ нарса ишлаб чиқарадиган энергия миқдорининг ўзида ҳамдир. Ер бир хил ҳароратини сақлаб туриши учун унинг ўзи ташминан Қуёшдан олаётган энергия миқдорида космосга иссиқлик тарқатиши керак. Агар кирим ва чиқим мутаносиб бўлмаса, система бир вақт келиб барқарорликни йўқотади ва ўшанда экологик ҳалокат рўй бериши муқаррар. Хўш, ҳозир иссиқлик балансида нималар рўй беряпти?

Фақат моддий неъматларнигина эмас, балки тоғ-тоғ қуролларни ишлаб чиқариб, сон-саноқсиз ҳарбий Галилар қаётий фаолиятини таъминлаётган одамлар ҳозир ер бойликлари энергиясини тобора кўпроқ миқдорда ишлатмоқдалар. Бу энергия тарқамоқда ва планетани иситишга кетмоқда. Агар энергия ишлаб чиқариш ҳар 12-18 йилда икки бараварга ошаётганини ҳисобга олсак...

Бунда ҳам инсоният ҳатлолмайдиган хатарли марра бор. Кейинги 100 йилда Ер атмосфераси тахминан 2° С га исигани маълум. СССР Фанлар Академияси Ҳисоблаш марказининг маълумотларига қараганда, агар планетанинг ўртача температураси 4—5° С га кўпайса, унда инсониятга экологик хатар хавф солар экан.

Шуни унутмаслик керакки, замонавий саноат қудрати ошиши билан инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигигина эмас, балки табиатнинг инсон устидан ҳукмронлиги ҳам ортади. Биз табиатга эмас, табиат бизга керак. Шунинг учун Сиёсий Маслаҳат Комитетининг Варшавадаги кенгаши 1992 йилда халқаро экологик хавфсизлик бўйича ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишни таклиф этди. Сўз энди Ғарбда қолди.

В. МЯСНИКОВ,
(АПН).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр АҚШнинг БМТ бюджетига белгиланган взносларни тўлаш юзасидан ўзининг халқаро мажбуриятларига тўла риоя этиш йўлидаги дастлабки қадамини табриклади. Шунга қарамай, унинг фикрича, Қўшма Штатларнинг ҳозир 467 миллион долларга етган БМТ бюджетидан қарзини қисман тўлаш ҳам ушбу халқаро ташкилотнинг молиявий танглигини бартараф эта олмайди.

✦ БРАЗИЛИА. Рио-де-Жанейрода Бразилия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари мамлакатдаги ички сиёсий аҳволни таҳлил қилдилар, шунингдек шу йил 15 ноябрда муниципал сайловлар бўлиши муносабати билан партиянинг вазифаларини муҳокама қилдилар. Пленум мамлакатда демократик режимни мустаҳкамлашдан ҳамда Бразилия бошдан кечираётган иқтисодий танглиқни ватанпарварлик руҳида ҳал қилишдан манфаатдор бўлган турли сиёсий кучларнинг кенг коалициясини тузиш планини маъқуллади.

✦ ДЕҲЛИ. СИКҲ экстремистлари Ҳиндистоннинг Панжоб штатида яна бир беҳуда оммавий қотиллик қилдилар. Террорчилар группаси моторроллерларда Сирхинд посёлкасига бостириб кириб, маҳаллий бозордаги оломонга қарата автомат қуроллардан бетартиб ўт очди. 16 киши ҳалок бўлди ва 50 га яқин кишига ўқ тегиб жароҳатланди.

(ТАСС).

Ўқинг — қизиқ

450 КИЛОГРАММЛИ БЕМОР

Врачлар америкалик беморни касалхонага ётқизишлари учун қурилиш бригадаси ишчиларидан ёрдам сўрашларига тўғри келди. Нью-Йорк Штатининг Эмити-Харбор шаҳрачасида яшовчи 45 ёшли, оғирлиги 450 килограмм келадиган Жон Финнерти қаттиқ бронхит бўлиб қолиб, уйидан на эшик, на дераза орқали мустақил чиқа олмасди. Ноилож у ишчиларга ташқи деворнинг бир қисмини бузишларига рухсат берди ва уни ана шу жойдан кўчага олиб чиқишди. Шундан сўнг гидравлик кўтаргич ёрдамида бемор автомобиль кузовига «ортилди» ва эҳтиёткорлик билан касалхонага келтирилди. Финнерти ана шу шамоллаш баҳонасида уйдан кўчага чиқиб қолдим, деб суюнмоқда.

МАҲБУСЛАР ГАЗЕТАСИ

Стокгольм киоскаларида янги — маҳбуслар нашр этган газета пайдо бўлди. Айтиш мумкинки, бу газетани чиқаришда кадрлар муаммоси ишга халал бермайди. Чунки редактор 11 йиллик, редколлегиянинг бошқа аъзолари ҳам деярли шунча муддатни қамоқда ўташи керак. Маблағ билан таъминлашни зиммаларига олган швед Қизил Крести ва бошқа бир қанча кўнгилли ташкилотларнинг баёнот беришича, янги газетани чиқаришдан мақсад — «ташқи дунё билан мулоқот» қилишдир. Газетанинг биринчи сони СПИД касаллиги ва наркоманияга қарши кураш муаммоларига бағишланган.

ЯНГИ УСУЛ

Ғарбий Германиянинг Ульм шаҳридаги театр труппаларидан бири ўз томошаларига қишлоқ аҳолисини жалб қилишнинг янги усулини топишди. Спектаклга кириш билетини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бериб олиш мумкин. Масалан, томоша учун билет 30 дона тухумга, 9 литр сутга ёки битта товуққа берилади.

ТЕАТР САНЪАТ УЧУН КУРАШИШ КЕРАК

Қайта қуришнинг ҳал қилувчи амалий даври бошланди. Партиямизнинг XIX конференцияси қайта қуриш йўналишларини белгилаб берди. Энди бутун жамият, ҳар бир совет кишиси енг шимариб ишга киришмоғи керак. Қайта қуриш кўп жиҳатдан ижтимоий онгни шакллантириш, меҳнатга, ҳаётга муносабатни ўзгартириш билан боғлиқ. Бинобарин, мафкура соҳасида ишлайдиганларнинг масъулиятлари ўн чандон ортади, улар қайта қуриш концепциясини пухта тушунган, ошкоралик, демократия, ижтимоий адолат учун толмай курашувчи, фаол кишилар бўлишлари кундай равшан. Санъат — онгга ҳис-туйғулар орқали таъсир кўрсатувчи ўзига хос мафкурадир. Модомики шундай экан, санъаткорлар ҳам белни маҳкам боғлаб қайта қуриш ишига ўз улушларини қўшишлари керак.

Хўш, республикамизда санъатда қандай ўзгаришлар юз бермоқда? Бошқа санъатларни билмадим-у, лекин театр соҳасида ўзгариш деярли сезилмаяпти. Томошабин театрдан тобора узоқлашиб бормоқда. Миллионлар сарф бўлган кошоналар ҳувиллаб ётибди. Ҳинд фильми ёки бирон бир детектив деса вақт топиб; қанча йироқ бўлмасин, кинотеатрга келадиган томошабин театрга кирмайди. Қарши шаҳрида шундай манзарага дуч келдик: область театри билан кинотеатр ёнма-ён қурилган, театрда одам йўқ, «Тоҳир ва Зуҳра», «Нурхон», «Ким тўғри?», «Ишқ қурбонлари», «Миттивой» ва ҳатто ҳали ҳеч ким кўрмаган янги драмани ҳам ҳашаматли залда бир неча мутахассисгина ўтириб кўрдик, кинотеатрда эса одам гавжум. Ёмони шундаки, театр раҳбарлари бунга кўникиб қолишган, ташвиш йўқ уларда, мулоҳаза юритиш, чора излаш у ёқда турсин. Бизнинг ажабланиб берган саволимизга лоқайдлик билан «халқ ҳинд фильмларини яхши кўради» дея жавоб беришди. Ахир «Тоҳир ва Зуҳра», «Нурхон» спектакллари ҳам ҳинд фильмларидай сўз, мусиқа, ашула, рақс билан йўғрилган-ку, ижрочилари ҳам ёшлар, умумий бадиий савияси ҳам қониқарли. Демак, гап ҳинд фильмида ҳам эмас. Сабаби кўп. Уларнинг тагига етиш, аҳволни яхшилаш керак. Театр раҳбарларининг эса бунга вақтлари йўқ. Молия планини бир амаллаб бажарсалар бўлгани. Театр биносининг ўзида спектакль кўрсатиб туриш, халқни театрга қайта ўргатиш, артистларни ҳамма вақт ижодий сафарбар ҳолатда сақлаш, томошабин маънавий эҳтиёжини ўрганиш, шунга яраша репертуар тузиш — уларнинг хаёлига келмайди.

Тўғри, бир-икки театрда томошабинни жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, «Ёш гвардия» театрида. Аввало, театр спектакларининг мавзулари ва саҳнавий талқинлари билан томошабинни ўзига қаратмоқчи. Чунончи, «Майсаранинг иши» комедияси халқ томошаси сифатида саҳналаштирилган. Бундан ташқари, Қаҳрамон она, уруш ва меҳнат ветеранлари, ёшлар билан театрнинг ўзида учрашувлар ўтказилмоқда, ўқув юртлари, меҳнат коллективларида театр ва унинг артистлари ҳисобот бермоқда. Бу — яхши ташаббус. Қани энди шундай ташаббус областлардаги театрларда ҳам рўй берса.

Тўғри, театрларимизда давр муаммоларини кўтариб чиқувчи баъзи асарлар пайдо бўлди. Бу иш икки йўналишда борди. Ҳозиржавоблик билан ёзилган ва саҳналаштирилган бир қатор асарларда ижтимоий ҳаётда рўй берган қўшиб ёзиш, порахўрлик, мансабпарастлик, хушомадгўйлик фош этилди. Бу ўринда Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди», Ўлмас Умарбековнинг «Курорт», Ҳамид Ғуломнинг «Бир миллион можароси» пьесалари ва шу асосда яратилган спектакллар назарда тутилмоқда. Иккинчи тоифа асарларда эса, ижтимоий ҳаётда рўй берган катта ўпирилишлар, маънавий қадриятларнинг барбод бўлиши, халққа, элу юртга хиёнат қилиш, адолатсизликлар таҳлил қилинади. Бунга мисол қилиб Туроб Тўланинг «Қабул куни», Учқун Назаровнинг «Ойна», Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» драмалари ва уларнинг саҳнавий талқинларини кўрсатиш мумкин. Сатира театрида қўйилган «Темир хотин» драмасида, масалан, қалбларимизни тирнаб келаётган қишлоқ аёлининг қисмати мавзуи кўтарилади. Драматург ҳам, театр ҳам мавзуни андаваламайди, хас-пўшламайди, бор ҳақиқатни катта гражданлик туйғуси, журъати билан, баралла очиб ташлайди. Ҳақиқат шуки, бола туғиш, боқиш, тарбия қилиш, рўзғор ташвишларидан ташқари энг оғир дала ишлари ҳам аёл елкасига ортилди, бунинг натижасида у эзилди, руҳан ва жисмонан мажруҳ бўлди, қайта бошдан қўли косов, сочи супургига айланди: адолатсизлик, эрксизликка чидолмаган не-не жувонлар ўзини ўтга урди. Қишлоқ аёлининг меҳнати ва ташвишларига ҳатто пьесадаги тадқиқотчи Олимжон кашф этган биоробот-темир хотин ҳам бардош беролмай, ёниб кетади. Муҳими шундаки, драматург, унга эргашиб театр ушбу ҳақиқатни шунчаки қайд этиш ёки ҳаётнинг қора томонларини кўрсатиш мақсадида эмас, балки, жонлари ачиб, истиробга тушиб айтадиларки, бундан мурод жамият, томошабинлар эътиборини шу фожиали аҳволга қаратиш ва тезкорлик билан жумбоқни ечишга даъват этишдир.

Муайян ютуқлар бор, албатта. Аммо умуман олганда, аҳвол қониқарли эмас. Келаси йил барча театрлар янги системага, яъни ўз ижодий режаларини ўзи қоплаш, идора қилишга ўтиши керак. Бироқ республикамиздаги бирон театр ҳам бунга тайёр эмас. Янги система ижодий коллективлардан мустақилликни талаб қилади; юқоридан буйруқ ёки мадад кутиб ўтирмай, барча ижодий, иқтисодий, ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилишга тўғри келади. Бунинг учун бир ёқадан бош чиқариш, аҳил-иноқ бўлиш, биринчи галда ижодни, томошабинни ўйлаш, тўпланиб қолган муаммоларни ечишга киришиб, майда гапларни, ўзаро шахсий келишмовчиликларни бир чеккага йиғиштириб қўйиш керак бўлади.

Муаммолар эса бир талай. Улар орасида республика театр танқидчилиги ва тарғиботини йўлга солиш ҳам кенг миқёсдаги масалалардандир. Аммо драматург ва композитор билан ҳамкорлик, янги спектакль яратиш, репертуарни шакллантириш, томошабинга хизмат қилиш, ижодий жараённи яхшилаш, бор ижодий кучларни рўёбга чиқариш, актёр тарбияси, маҳоратни ўстириш, тартибинтизом каби қатор жиддий масалалар борки, улар бевосита ҳар бир театрнинг ўзида ҳал қилинади. Ҳаммага тааллуқли фақат битта масала бор. Драматург ҳам, режиссёр ҳам, актёр ҳам, рассом ҳам, адабий эмакдош ҳам, танқидчи ҳам, министр ҳам, театр союзининг раиси ҳам шу тўғрида ўйлаши зарур. Ўз-ўзидан равшанки, гап томошабин тўғрисида. Кўп йиллар томошабинни ўйламай, уни ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Унинг диди, майли, нимани ёқтиради-ю, нимани хуш кўрмайди — бу билан ишимиз бўлмай қўйди. Ҳолбуки, истеъдод, санъат, саҳна, ҳашаматли бинолар — барчаси халқ учун, томошабин учун. Шундай экан, ҳазрати инсон учун сидқидилдан ишлаш, ижод қилиш керак. Томошабинни ларзага соладиган асарлар, образлар яратайлик. Афсуски, сўнгги йилларда ўрта савияли асарлар, юзаки, енгил-елпи образлар кўп учрайдиган ҳол бўлиб қолди. Бир пайтлар асосий йўналишлардан ҳисобланган қаҳрамона-романтик ижро услуби, афсуски, энди саҳналарда кўпроқ ўзини ўйлайдиган бўлиб қолди. Нари-бери ишласа-ю, кўпроқ пул топса, тезроқ шуҳрат тожини кийса. Интизомсизлик, лоқайдлик, шуҳратпарастлик, юзаки, саёз ижод қилиш, хушомадгўйлик, ҳақиқатдан чўчиш ҳоллари одат тусига кириб, бурч туйғусини барбод этди. Албатта, ўз бурчини яхши сезиб, виждонан ишлаганлар, жамият, томошабинлар олдидаги вазифаларини яхши англаганлар ҳам бор эди. Бундайларга оғир бўлди. Шу ҳақда гапирганда, кўз олдимизга биринчи галда бизнинг санъаткор Шукур Бурхонов келади. У ҳеч қачон виждонига қарши иш қилмади, енгил шуҳрат кетидан қувмади, эгилмади, хушомад қилмади. Саҳнада ҳам, кинода ҳам кўнгли тўлган ролда чиқди. Оз ўйнади, бироқ соз ўйнади. Яратган ҳар бир образи қалбининг бир парчасини олиб кетди. Томошабин Шукур Бурхоновнинг сўнгги саҳнавий образлари бўлмиш Эдип (Софокл, «Шоҳ Эдип») ва Сулаймон ота (Ў. Умарбеков, «Қиёмат қарз»)ни юзинчи марта кўрганида ҳам ларзага келди. Чунки, у енгил-елпи ўйин кўрсатишни, артистлик қилишни билмасди, ҳар сафар қаҳрамон қиёфасида қайта туғилар, жигари хун бўлиб ўйнар эди. Нега деганда, Шукур Бурхоновда бурч ҳисси, масъулият ҳисси кучли эди. Энди қаранг, мана шундай санъаткор СССР Давлат мукофотига сазовор бўлмади. Гарчи, у яратган каналар ҳам учради. Халққа яхшироқ хизмат қилишни эмас, кўпроқ ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолди. Косибчилик авж олиб кетди.

Санъаткор ўз бурчини бутун борлиги-ла чуқур англаши керак. Қайд этилган жумбоқлар шундагина очилади. Афсуски, аксар саҳна ижодкори ўз бурчини унутиб қўйди. Ҳолбуки, бурч— инсонни инсон, санъаткорни санъаткор қиладиган маънавий пойдеворлардан биридир. У виждон билан ёнмаён туради.

Турғунлик йилларида санъаткорлар орасида ҳам бурч ҳисси хира тортди. Артист кўринмайди. Артист ўзини авайлайдиган, ярим куч билан ишлайдиган бўлиб қолди. Косибчилик авж олиб кетди.

Санъатчилар нуқул мақтовга, ҳамду санога ўрганиб қолишди. Гўё танқидчининг вазифаси ижодни таҳлил қилиш эмас, балки, янги асар ёки бошқа баҳоналар билан режиссёрни, актёрларни кўкларга кўтариб мақташдан иборатдай. Жиндай танқид қилган одамга рақибларча муносабатда бўлиб, саломлашмай қўядилар. Қатор санъаткорлар, ижодий коллективлар танқиддан ташқари зонага айланди. Улар шу қадар кеккайиб кетдиларки, натижада оёқларининг остини кўрмайдиган бўлиб қолишди. Чунончи, Ҳамза номидаги академик драма театрининг 2 йил ичида яратган спектакллари кўрилиб, илмий-назарий конференция ўтказилди. Бош режиссёр Латиф Файзиев ташаббускор бўлди. Санъатшунослик институти ходимлари, театр танқидчилари спектакларни режиссура, актёрлик санъати ва безатилиши жиҳатидан чуқур таҳлил қилиб, проблемаларини аниқлаб бердилар. Театрнинг анъаналари ва шу кунги ижодий қиёфаси хусусида ҳам махсус маъруза қилинди. Режиссёр ва актёрлар танқидчилардан мамнун бўлиб, танқидий фикрларни ҳазм қилишлари, ўйлаб кўришлари керак эди. Аммо бунинг ўрнига ўша заҳотиёқ раддия бердилар, яхшироқ хизмат қилишни эмас, қўпроқ ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолишди. Гўё санъат халқ учун эмас, санъат санъат учун яратилгандай. Янги асар танлаш, тайёрлашда режиссёр, ижрочилар биринчи галда ўз манфаатини кўзлайди: шу постановка, шу роль билан яна бир бор мақталса. Ҳали-ҳалигача тафтишчилар, мутахассисларга кўрсатиб, олқиш олишга мўлжалланган асарлар бошқа, халққа кўрсатиладиган асарлар бошқа. Халққа асосан комедиялар, комедия парчалари ва интермедиялардан тузилган аломат концертлар, олди-қочди мелодрамалар кўрсатилади. Яъни қўпол қилиб айтганда, театр спектакллари икки тоифага бўлинди: шуҳрат келтирадигани алоҳида, «нон» топадигани алоҳида.

Санъатчилар нуқул мақтовга, ҳамду санога ўрганиб қолишди. Гўё танқидчининг вазифаси ижодни таҳлил қилиш эмас, балки, янги асар ёки бошқа баҳоналар билан режиссёрни, актёрларни кўкларга кўтариб мақташдан иборатдай. Жиндай танқид қилган одамга рақибларча муносабатда бўлиб, саломлашмай қўядилар. Қатор санъаткорлар, ижодий коллективлар танқиддан ташқари зонага айланди. Улар шу қадар кеккайиб кетдиларки, натижада оёқларининг остини кўрмайдиган бўлиб қолишди. Чунончи, Ҳамза номидаги академик драма театрининг 2 йил ичида яратган спектакллари кўрилиб, илмий-назарий конференция ўтказилди. Бош режиссёр Латиф Файзиев ташаббускор бўлди. Санъатшунослик институти ходимлари, театр танқидчилари спектакларни режиссура, актёрлик санъати ва безатилиши жиҳатидан чуқур таҳлил қилиб, проблемаларини аниқлаб бердилар. Театрнинг анъаналари ва шу кунги ижодий қиёфаси хусусида ҳам махсус маъруза қилинди. Режиссёр ва актёрлар танқидчилардан мамнун бўлиб, танқидий фикрларни ҳазм қилишлари, ўйлаб кўришлари керак эди. Аммо бунинг ўрнига ўша заҳотиёқ раддия бердилар, яхшироқ хизмат қилишни эмас, қўпроқ ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолишди. Гўё танқидчиларнинг чиқишлари кимнингдир фитнаси билан бўлган субъектив ҳамла эмиш. Ҳамон ўша танқидни унутолмайдилар. Режиссёр Т. Исроилов мақоласидаги санъатшунослик институти эшигига отилган таъна тоши ҳам шу норозилик ифодасидир. Ҳамза театрида ҳали ўзини кўрсата олмаган ёш режиссёр оқсоқоллардай катта-катта гапириб, республикадаги театр ишига, танқидчиликка баҳо бериб ўтирибди. Катта гап қилиш учун аввало билиш, сўнг маънавий ҳуқуққа эга бўлиш керак.

Ҳамма бало шундаки, санъаткорлар танқидни кўтароламайдиган бўлиб қолишган. Тўғри, танқид қанд эмас, аччиқ дори, уни ютиш қийин. Аммо на илож, дори истеъмол қилмасанг, дардинг газак олиб кетиши мумкин. Ҳануз санъаткорнинг дилини огритмасдан, шакар сепиб танқид қилиш керак, деган фикр бор. Афсуски, биз танқидчилар узоқ вақт шакаргўфторлик қилдик, камчиликлар ҳақида сезилар-сезилмас гапирдик. Бундан ҳеч ким фойда кўрмади. Энди етар, очиқ-очиқ, аччиқ-аччиқ ёзиш вақти келди. Танқидни ҳам чидаганга чиқарган. Аммо ҳамон танқид кўп санъаткорларнинг баданларига қаттиқ ботади. Мана бир мисол. Танқидчи Екатерина Панова матбуотда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида саҳналаштирилган «Фауст» ва «Отелло» мисолида классика талқини борасида мулоҳаза юритувчи мақола билан чиқди-ю, балога қолди. Театр раҳбарлари мақолада айтилган танқидий фикрни таналарида ўйлаб кўрсалар ёки, айтайлик, коллективда муҳокама қилсалар бўларди.

Мен бу билан танқидчилигимиз бенуқсон демоқчи эмасман. Асло. Биз, танқидчиларда фаоллик, изчиллик, профессионализм, журъат етишмайди. Ижодий жараённи, муайян бир асарни чуқур таҳлил қилиш ўрнига шов-шув бўладиган мавзуларни излайдиганлар ҳам бор ичимизда. Ҳамон маддоҳлик қилаётганлар ёхуд «сих ҳам куймасин, кабоб ҳам куймасин» қабилида келишувчилик билан иш кўраётганлар ҳам йўқ эмас. Кўп танқидчиларимиз театрлардан узоқлашиб кетдилар, қаламларни ўтмаслашиб қолди. Натижада саҳналарда яратилаётган кўпгина эътиборли асарлар, диққатга лойиқ образлар эътиборимай беному нишон ўтиб кетмоқда. Албатта, бу фақат танқидчига эмас, матбуотга ҳам боғлиқ масала. Газета ва журналларимизнинг бу ишга диққат-эътибори пасайиб кетди. Ҳатто пойтахт театрларида яратилаётган янги спектакллар ҳам ўз вақтида ёритилмайди, тегишли баҳосини олмайди. Махсус «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси эса, театр ҳаётини деярлик кузатмайди, шу боис унинг чиқишлари тасодифий, чалакам-чатти, муҳим муаммолар четлаб ўтилади.

Хулоса шуки, ҳаммамиз ҳам жамият олдидаги бурчимизни, халқимиз олдидаги вазифаларимизни унутмайлик. Режиссёр билан директор, танқидчи билан режиссёр ўртасида рўй бериб турган келишмовчилик, рақобатга чек қўяйлик, гуруҳбозлик, шуҳратпарастлик кўринишларига барҳам берайлик. Бундан кўра ижодни яхшилашни, халққа мазмунлироқ хизмат қилишни ўйлайлик. Ахир, театр — коллектив ижод, бунда ҳамма бир бўлиб ҳаракат қилмаса, иш юришмайди. Яна шу ҳам равшанки, томошабинларга нафис ҳус-туйғулар, маънавий қадриятларни сингдириш учун аввало ўзимиз одобли, меҳр-мурувватли, нозик таъб, давр талаблари даражасида бўлишимиз керак.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор.

• Янги шеърлар

Минҳожиддин ҲАЙДАР

Ўчмай қолган чақмоқ

Онажоним, Сиз —
мушфиғим,
Қалбга учқун солдингиз
Мен дунёга келар чоқ.
Сиз энди — армон
қўшиғим...
Қалбда мангу қолдингиз:
Сиз — ўчмай қолган
чақмоқ!
Сиз — армон тўла
қўшиғим —
Онажоним, мушфиғим!..
Чақмоқ нуридан тиғ қилиб,
Тингласб Поклик арзини:
Қуритай қабоҳатни,
Чақмоқдан нур
қатмин олиб,
Тикиб кемтик-дарзини
Бут этай Диёнатни!..
Сиз — армон тўла
қўшиғим —
Онажоним, мушфиғим!..
Чақмоққа чайинсин ҳатто,
Бор Қувончу эзгин Ғам —
Ҳисларим зилоласи...
Шу чақмоқда пиширай то:
Фикру сўз қиёмни,
ҳам
Шеърларим зуволасин...
Сиз армон тўла қўшиғим—
Онажоним, мушфиғим!..
Онажонлар юрагидек
Ҳамишага пок бўлсин.
Башарият имони!
Онажонлар тилагидек
Ҳамишага оқ бўлсин
Пешонаси — Дунёнинг!..
Сиз — армон тўла
қўшиғим —
Онажоним, мушфиғим!..
Гул — қизларим,
ота ўғлон —
Шерларимнинг қалбида:
Сиз ўчмай қолган чақмоқ.
Шеър симирар қалбимдан
қон,
Шеърларимнинг қалбида:
Сиз ўчмай қолган чақмоқ!..
Сиз — армон тўла
қўшиғим —
Онажоним, мушфиғим.

Манқуртлар зуваласи

Фалак бошингга қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдан деб кишу санжоб.
Ажаб йўқ, одамлиғни унутсанг,
Узунгни бўйла ит чармида асроб.

(Алишер НАВОИЙ)

(Кўҳна ривоят)

Бўлажак Каъбадан олиб соз тупроқ,
Обиҳаёт қуйиб олтин ибриқдан
Лойига зап ишлов берарди Тангри,
Шайтон кириб келди туйнук—
Машриқдан.
Тангри қош чимириб, ўшқирди нохос:
—Не бадният бошлаб келди, шумқадам!
— Этиб кетаётгандим... тўсатдан сени
кўриб қолдим... Неси гуноҳ ҳол сўрсам!
—Шумқадамнинг такрор Арши Аълода
кўрмай,
ки менманки ягона оллоҳ!
—Ёлғонни қўй, — деди Шайтон
ҳиринглаб, —
Пой гардимсиз бўлмас ҳеч олий даргоҳ...
— Бас!..
Шайтон-чи, шу пайт пашша учирди,
Чалғитиб Тангрининг чақмоқ кўзини.
Эркин сезган пашша эса визиллаб
Тангрининг бурнига урди ўзини.
Тангри аксираркан...

Кафтдаги лойга
«чирт» этиб туфугин ташлади Шайтон.
—Пашша-да, танимас яратганни ҳам...
Тангри-чи, юмшарган лойидан ҳайрон.
—Қаттиқ эзиб—тупроқ ёғин чиқардинг,
Чоғи, олий зотлар яратмоқчисен!!
—Оббо, Азозил-ей, пайқадинг-да, а!
Одамлар сарасин яратмоқчимен...
—Халлоқсану тақдир зуваласини
турфа пишитурсен.
Қилмишинг — иллат!!
—Бе-рия!!! Туфу-ей! Азроил!!-
Шайтон
шак келтирур. Гурзинг кучини кўрсат!..
...Шайтон-ку фириб-ла қутулиб кетган,
Лек, бир ҳикмат қолди элнинг оғзида
Ул ҳикматни чақсам—тутқун балиқдай
зўр сабоқ типирчилар мағзи-мағзида:
Воҳки, МАНҚУРТЛАР —
Эл ғамхисиз арбоб,
ёлғончи олим,
дардсиз шоирнинг (гапнинг ўғил боласи!)—
Ху, Шайтон туфуги аралаш лойдан
олинган бўлармиш тег-зуволаси...
О, Табиат!
Мезон шайнин тенг тут
Қалблар ичра уйғоқ соф Диёнатнинг!
Ўзинг асра ундай нопок каспардан —
Башарни,
Қуррамиз — шан, Салтанатни!..

Қошингга тегузмағил қаламни

(Амирий ғазалига мухаммас)

Нозингга куйгузмағил сийнамни,
Жаврингга эзгузмағил ярамни,
Ёшимга тўлгузмағил дийдамни,
Қошингга тегузмағил қаламни,
Бу хат била бузмағил рақамни.
Васлинг ummedида эй сангдил,
Уртада дўзах ўтини, бил,
Ўтай—соч толанг қилкўприк қил,
Ошиқларингга тараҳҳум этгил,
Кўп айлама жавр ила ситамни.
Дил қоним ичиб Сўз—гул ўлса,
Руҳсиз ҳислар шавқдин тирулса,
Жон ўзда йўқ-гоҳ бор — термулса,
Нақши қадаминг муяссар ўлса,
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни.
Пойинг ўпай деб зор майса, гуллар,
Иформи — ё оҳ тортар сунбуллар!!

Афанди ва шоир

(ҲАЗИЛ)

—Афандим, товуққа қаранг!—дер шоир—
Бир томчи сув ичиб боқар самога.
О, англанг, шукрона айтмоқда товуқ,
Қиттак сув, қиттак меҳр учун худога...
—Бўлмаган гап,— деди Афанди,—шоир деган бандаларга ён босар оз-моз.
Худо-ю расуллар ҳар бир сўзига
кийдира бермас-да хурофий либос!
Кўкка бош кўтарган анови товуқ:
«Кемтик Адолатни бутларсан қачон!
Аёлларга ками биттадан эру
Шўрлик қирқ товуққа нечун бир хўроз!..»—
Деб йўллар-ку ахир худога исён...
Кўкси куюк — ишқинг-ла машғуллар,
То беватан ўлмасун кўнгуллар,
Зулфингдинг аюрма печу ҳамни.
Мулки тан ичра ҳоқон эрур жон,
Жон ичра жондур — жон ичра жонон,
Жонки, ҳоли ишқ — ки на инсон,
Лаълинг ғамидин кўзум тўкар қон,
Беҳуда кечурмагил бу дамни.
Ғамзанг гадоси — лек шоҳ бўлдум,
Сўз боғингдин гоҳ тирик-гоҳ ўлдум,
Ўтли армон, дудсиз «оҳ» бўлдим,
Йўлунгда ғубори роҳ бўлдум,
Бошимга етурмагил қадамни.
Тўлин ойсен, нурингга зор — Ермен,
Дил кўзи-ю қўли очиқ эрмен,
Эл қалбида эзгин, огриқ шеърмен,
Сен ёрдин ўзга кимга дермен,
Кўнглумдаги дард ила аламни.
Садоқат — чин ёрнинг посбони,
На ёр, тўққан Ернинг посбони,
Юрт деб руҳ қон қусар пинҳоний,
Бир коса шароби арғувоний,
Поймол қилур ҳужумни ғамни.
Шеърим: ёнарсўз — асилдурсен,
Бир Сурхон қизи кўз қиридурсен,
Минҳож, чўлпонкўз асиридурсен,
Иқлими вафо Амиридурсен,
Эй шаҳ, бу гадога қил карамни!..

• Тингланг, томоша қилинг

17 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Нега ва нима учун? 9.30 — Уй академияси. 10.00 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 10.30 — Социализм мамлакатлари. 11.00 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.00 — Дунё воқеалари. 12.20 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши. 16.00 — Шанба — ота-оналар куни. 17.30 — Халқаро программа. 18.30 — 1988 йил қўшиқлари. 18.50 — Шеърият лаҳзалари. 18.55 — Катталар учун мультфильмлар. 19.20 — Сени севаман, ҳаёт. 19.25 — «Менинг дўстим — жиддий одам». Бадиий фильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Шанба оқшомида. 22.55 — Янгиликлар. 23.00 — Концерт.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия таништиради. 9.25 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.10 — Сайланмалар. 12.15 — Иқтисодий билимлар асослари. 12.45 — Ҳайвонот оламида. 13.50 — Новаторлар ва консерваторлар. 14.35 — Инсон институти. 15.40 — 1987 йилги сиёсий қўшиқлар фестивалида. 16.25 — Реклама. 16.30 — «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм 1 ва 2-серилар. 18.55 — Бизнинг мерос. 19.40 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 — Езги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Езги Олимпиада ўйинлари. 01.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Шанба экрани. 10.30 — Даволаш физкультураси. 10.40 — «Най навоси». Бадиий фильм. 12.00 — Уй қандай қурилади? 12.30 — Ҳужжатли экран. 13.15 — Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 14.30 — Концерт. 15.10 — Протоколда нималар бор? 15.55 — Буни ҳамма билиши ва удалаши керак. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ровесник. 19.00 — Бўстон. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Фарғонанинг мовий ҳалқаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Қўшиқ — қалб изҳори. 22.25 — «Қўшчинор чироқлари». Видеофильм 2-қисм.

УзТВ-II, Душанба. 17.40 — «Булутлар узра қўшиқлар». Бадиий фильм. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Янгиликлар. 19.20 — Болалар планетаси — дўстлар планетаси. 20.00 — Ахборот. 20.25 — Дурдона. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Лойиқ Шерали ва Муродбек Насриддиновнинг Ленин район меҳнаткашлари билан учрашуви.

РАДИО

Биринчи программа 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — Саломат бўлинг. 12.10 — Строитель Ўзбекистона. 12.30 — Севги қўшиқлари. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Қаҳрамон пионерлар». 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — ЎзССР халқ артисти М. Раҳимов тугилган кунинг 70 йиллигига багишланган музикали эшиттириш. 18.15 — Сабра ва Шатила қурбонлари хотираси кунига. 18.30 — «Тошболта ошиқ». Музикали драмадан парчалар. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Шанба оқшомида. 22.00 — Футбол. «Динамо» (Бт) — «Пахтакор». 22.45 — ЎзССР халқ артисти К. Раҳимов куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МАҲОРАТ КЎРИГИ


ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ТАНТАНАЛИ ВАЗИЯТДА ОЧИЛДИ


Тошкент вақти билан эрталаб соат 7.20 да марказий телевидение Олимпиада масканидан дастлабки репортажни бевосита олиб кўрсатди. XXIV ёзги Олимпиада очилишига бағишланган биринчи томошани кўриш Камчатка, Магадан, Сахалин, Приморье, Якутия, Хабаровск ўлкаси, Амурск ва Чита областлари мухлисларига насиб этди. Ўрта Осиё республикалари Сеул тантаналарига бағишланган репортажни ёзиб олинган ҳолда бугун кундузи кўришлари мумкин бўлади.

Жаҳон спортчиларининг йирик анжумани — ёзги Олимпиада баҳсларига қизиқиш катта. Айниқса, Олимпиаданинг тантанали очилишида бетакрор воқеалар, манзаралар кўпчиликда унутилмас таассурот қолдиради. Зеро, тантаналар ўз йўлига. Қизғин мусобақалар масканига тўпланган спортчиларнинг орзуси ўзгача. Уларнинг «дарди» битта. У ҳам бўлса Олимпиадага пухта тайёргарлик тўрт йиллигида сарфланган куч-ғайратлари самарасини кўриш, ўзларининг бутун маҳоратларини намойиш этиш.

Совет олимпиадачиларига маҳорат кўрсатишнинг ўзи кифоя эмас. Улар ҳур республикалар иттифоқи — она-Ватан, миллионлаб мухлислар ишончини оқлаш, совет спорти байроғини янада баландроқ кўтаришга чорланганлар. Уларнинг сафар олдидан анъанавий равишда Қизил майдонга тўпланишлари, Мангу олов пойига гулчамбарлар қўйиб, В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилишлари ҳам аслида шундан. Бу билан спортчиларимиз Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатларини яна бир бор намоён этадилар.

Спортнинг Олимпиада турлари бўйича мусобақалар 2 октябрга қадар давом этади. Жанубий Корея пойтахтига 160 мамлакатнинг 10 мингдан ортиқ спортчиси тўпланган. СССР Олимпиада терма командаси 870 кишилик делегациядан иборат. Шундан 520 нафари спортчи бўлиб, қолганлари тренерлар, судьялар, журналистлар, илм ва маданият ходимларидан иборат. Олимпиадада РСФСРдан 106 спортчи қатнашаётган бўлса, москвалик олимпиадачилар 108 кишини ташкил этди. Ленинградликлар 31 спортчидан иборат, Украинадан 90, Белоруссиядан 45, Қозоғистондан 29 киши қатнашмоқда. Республикамиз олимпиадачилари бу сафар 9 спортчини ташкил этди.





Мусобақаларда ғолиблик учун кураш кескин ва мурosасиз бўлиши кутилмоқда. Тахминларга қараганда камида 50 та олтин медалга эга бўлган терма команда умумҳисобда биринчиликни қўлга киритиши мумкин экан. Бу борадаги баҳслар СССР, ГДР ва АҚШ командалари ўртасида қизғин давом этади. Ғолибликка даъвогар коллективлардан ҳисобланган совет олимпиадачилари орасида 145 хизмат кўрсатган спорт мастери, 26 Олимпиада чемпиони ва 145 нафари мамлакат чемпиони номига сазовор бўлган спортчилар бор.

Республикамиз олимпиадачилари ҳам совет спорти шарафини улуғлашни, мамлакат Олимпиада терма командаси ютуғига муносиб улуш қўшишни кўзлашмоқда. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, собиқ жаҳон рекордчиси, уч ҳатлаб сакраш устаси В. Санеев таъбири билан айтганда лангар билан сакрашда дунёда иккинчи бўлиб турган тошкентлик Родион Гатауллин яна бир бор парвоз қилиши керак. Родион Ғарбий Германияда ўтказилган халқаро мусобақада донецклик жаҳон рекордчиси Сергей Бубка билан баҳслашишни ўрнига қўйди. Сергей 585 сантиметрли марра билан кифояланган бўлса, вакилимиз 5 метру 95 сантиметр баландликдан ўтиб, 6 метрли кўрсаткич бўйича уринишлар қилди. Олимпиадада эса Родионнинг 605 сантиметрли маррадан ўтиши мўлжалланмоқда. Умуман бу йил мусобақаларда ўзининг юксак кўрсаткичлари билан мутахассислар назарига тушган тошкентлик енгил атлетикачининг Олимпиада совриндори бўлишига тилакдошлик қилса арзийди.

Унинг ҳамшаҳри Сергей Заболотнов ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикр билдириш мумкин. Чалқанча сузиш устаси Ўзбекистонда камол топиб, мухлисларни қувонтирган Светлана Бобанина, Наталья Устинова, Сергей Конов каби спортчиларнинг издоши ҳисобланади. У Инна Тишенко, Жанна Болотова, Евгений Бендер, Дмитрий Польков, Александр Колепекин, Рустам Иброҳимов, Сергей Гонтарев, Андрей Румянцев сингари умидли сузувчиларни ўз маҳорати билан руҳлантириб келмоқда. Европа чемпиони Сергей Заболотновнинг бу йилги чиқишлари ҳам чакки эмас. Олимпиадага тайёргарлик—Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада қатнашиш билан ўзини кўрсатган спортчимиз СССР чемпионатида совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. ГФРда ўтказилган халқаро мусобақада эса яна бир бор мутахассислар ишончини оқлаб, Олимпиадага муносиб номзод эканлигини намойиш этди.

Сеул Олимпиадаси совриндори бўлишга аҳд қилганлардан яна бири моҳир велосипедчи Жамолиддин Абдужабборовдир. Қибрайда камол топган бу йигит халқаро классдаги спорт мастери, Тинчлик халқаро пойгасининг ғолиби сифатида олимпиадачилар сафидан ўрин олди. У Болтиқбўйи мамлакатлари «Дўстлик» халқаро мусобақасида ҳам мукофотли ўринларни эгаллаб, эътироф топди.

Йирик спорт анжумани қатнашчиси — андижонлик Ноил Муҳаммадиёровнинг ютуқлари диққатга сазовор. Қатор йиллардан бери турли мусобақаларда маҳорат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилаётган иқтидорли бу спортчи ниҳоят мамлакат очиқ чемпионатида ўзини кўрсатиб, кучлилар рўйхатига ўтишга эришди. Унинг даст кўтаришда 185,5, силтаб кўтаришда 220 килограммли натижага эришиши тренерларда умидворлик уйғотди. Ўйлаймизки, 90 килограммгача бўлган вазнли полвонлар сафида куч синашга жазм этган вакилимиз ишончни оқлашга ҳаракат қилади.

Арсен Фадзаевни мухлислар «енгилмас» деб эътироф этишади. Бунинг боиси тошкентлик бу спортчи бир неча йилдирки, мағлубият аламини нималигини тан олмай келмоқда. К. Дедегкаевнинг шогирди хизмат кўрсатган спорт мастери, икки мар та Жаҳон ва Европа чемпиони бўлган. Унинг бирдан-бир орзуси Олимпиада олтин медалини қўлга киритиш. У билан бирга тошкентлик динамочи, хизмат кўрсатган спорт мастери, Жаҳон ва Европа чемпиони Махарбек Хадарцев ҳам эркин кураш бўйича совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилади.

Чавандоз Анатолий Танковни кўпчилик яхши билмайди. Республикамизда от йўттиришни янада оммавийлаштириш ва маҳоратли спортчилар тайёрлашга аҳд қилган бу чавондоз шу йил СССР кубоги учун мусобақада эътибор топди. Меҳнатсевар бу спортчи ўзининг Ижарск лақабли аргумоғида майдонга чиқиб, мухлисларни қувонтирмоқчи, Маълумки, чим хоккей республикамизда спортнинг энг оммавий турларидан ҳисобланади. Агар СССР терма командаси хоккейчи қизлари саралаш мусобақасида имкониятни бой беришмаганда ўзбекистонлик олимпиадачилар сафи янада кенгайган бўларди. Шунга қарамай, хоккейчи йигитлардан икки нафари — Андижоннинг «Звезда» командаси аъзоси Игорь Давидов билан Фарғонанинг «Химик» коллективидан Николай Санковец Олимпиадага йўл олдилар. Бир сўз билан айтганда, Олимпиада баҳслари кўп кишилик совет спортчилари қатори республикамиз вакиллари учун ҳам маҳорат кўригига айланади, деб умид қиламиз.

Ҳ. НОСИРОВ.

Суратларда: эркин курашчи Арсен Фадзаев билан сузувчи Сергей Заболотнов. Улар медалларга даъвогар.

ОЛИМПИАДА ОЙНАСИ

Республикамиз спортчилари 1952 йил Хельсинкида ўтказилган Олимпиадада илк бор қатнашишган эди. Қуйида республикамиз олимпиадачиларининг одимлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

◆ ХЕЛЬСИНКИ. Тошкентлик Галина Шамрай гимнастикачилар сафида 74,96 балл тўплаб, саккизинчи бўлди. Умумкоманда ҳисобида олтин медални қўлга киритди.

◆ МЕЛЬБУРН. Тошкентлик Валентин Баллод баландга сакрашда 160 сантиметрли натижа кўрсатиб, ўн биринчи ўринни олган.

◆ РИМ. Валентин Баллод енгил атлетикачилар баҳсида қатнашди. У саралаш мусобақаларида 165 сантиметрли натижага эришган бўлишига қарамай, финалга чиқолмай қолди.

◆ ТОКИО. Тошкентлик сузувчи Светлана Бабанина, Наталья Устинова ва гимнастикачи Сергей Диомидовлар совринли ўринлар учун баҳс юритдилар. Сергей команда ҳисобида кумуш медалли бўлди. Светлана 200 метрга брассча сузишнинг саралаш босқичида Олимпиада рекордини ўрнатди. Финалда эса учинчи бўлди. Наталья эса 100 метрга эркин усулда сузиб, у ҳам бронза медалини қўлга киритди.

◆ МЕХИКО. С. Бабанина, Н. Устиновалар қатори сузувчи Сергей Конов, велосипедчи Михаил Колюшов билан волейболчи Вера Глашукалар қат. нашишди. Вера Олимпиада чемпиони бўлди. Велосипедчимиз тўртинчи ўринни олди. Сузувчиларимиз команда мавқеини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшдилар.

◆ МЮНХЕН. XX ёзги Олимпиада ўйинларида олти спорт чимиз қатнашди. Тошкентлик классик кураш устаси Рустам Казаков, волейболчи Вера Дуюнова (Галушка), гимнастикачи Элвира Саади ғолиблик супасига кўтарилишди. Велосипедчи Александр Дудин, боксчи Николай Анфимов, чавандоз Мамажон Исмоиловлар муваффақиятли қатнашишга ҳаракат қилишди.

◆ МОНРЕАЛЬ. Тошкентлик боксчи Руфат Рикиев кўксига кумуш медал тақди. Пахтакорчи Владимир Фёдоров команда ҳисобида бронза медалини қўлга киритди. Қиличбоз Собиржон Рўзиев команданинг тўртинчи бўлишига ҳисса қўшди. Чавандоз Валерий Дворянинов учкурашда бешинчи бўлди.

◆ МОСКВА. XXII ёзги Олимпиада ўйинларида вакилларимиз уч олтин, беш кумуш, тўрт бронза медалига эга бўлишди.

◆ ЛОС-АНЖЕЛЕС. Совет спортчилари бу сафарги олимпиада ўйинларида иштирок этишмади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА
1988—1989 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаётган ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, алоқа ходимлари, пионер вожатийлар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, ҳамда саноат корхоналари (завод, комбинат, фирма), **қурилиш, идора, алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.**

Тайёрлов бўлимига кирувчилар меҳнат стажининг охирги бир йили йўлланма берган ташкилотда узлуксиз бўлиши керак(шогирдлик стажи бунга кирмайди).

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ҳамда она тили ва адабиёти фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

1984-1985 ўқув йилидан бошлаб институт «ЧЕТ ТИЛИ» ва ўзбек мактаблари учун «РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ»дан мутахассислар тайёрлаяпти.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см).

Паспорт ва ҳарбий, хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР — 1 ОКТЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

СУҲБАТ (чет тили, она тили ва адабиёти) — **20 октябрдан 25 ноябргача ўтказилади.**

Қабул қилиш — 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНИБ, 8 ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1988 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам, тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1988—1989 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган ихтисосликлар: география, педагогика ва бошланғич таълим методикаси, тарих, педагогика ва психология (мактабгача таълим);

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар: ўзбек тили ва адабиёти;

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар: математика, физика, умумтехника фанлари ва меҳнат;

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мутахассисликлар: миллий мактабларда рус тили ва адабиёти;

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар: математика, чизмакашлик ва расм чизиш, умумтехника фанлари, тарих.

Тайёрлов бўлимига халқ хўжалиги барча тармоқларининг ўрта маълумотга эга бўлган илғор ишчилари, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатилган ёшлар қабул қилинади.

Кундузги тайёрлов бўлимига 34 ёшгача, сиртқи ва кечки тайёрлов бўлимларига эса ёши чекланмаган ҳолда тингловчилар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: институт ректори номига ариза (махсус бланка тўлдирилади), иш, хизмат жойидан тайёрлов бўлимига кириш учун йўлланма (махсус бланка тўлдирилади), ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш ёки хизмат жойидан корхона (ҳарбий қисм) раҳбари (командири) партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан тасдиқланган характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма медицина справкаси (086/У форма), 6 та фотосурат (3х4 см).

Паспорт, ҳарбий билет ва комсомол билети ҳужжатларни топшириш пайтида шахсан кўрсатилади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар билан асосий ихтисослик предметлари бўйича суҳбатлар ўтказилади.

Сиртқи ва кечки тайёрлов бўлимларига. Суҳбатлар ва тингловчилар сафига қабул қилиш 1 октябргача ўтказилади.

Сиртқи бўлимда сессиялар белгиланган муддатларда ўтказилади, сессиялар орасида эса тингловчилар контрол ишларни бажарадилар.

Кундузги тайёрлов бўлимига ҳужжатлар 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади.

Кирувчилар билан суҳбатлар ва тингловчилар сафига қабул қилиш 11 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР БЎЛИМДА 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кундузги тайёрлов бўлими тингловчиларига стипендия тўланади, бошқа шаҳардан келганлар институт имконияти тига қараб ётоқхона билан таъминланадилар.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАГАНЛАР ИНСТИТУТНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Институт адреси: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй.

42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1988-1989 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ОТК КОНТРОЛЁРИ, ШТАМПОВКАЧИ, АВТОСЛЕСАРЬ, МЕХАНИК ИИГУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРЛАРИ, ЭҲМ ОПЕРАТОРЛАРИ (фақат 8-синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинади).

Ўқиш муддати 10-синф маълумоти билан — 6 ой, 8-синф маълумоти билан — 3 йил.

Билим юртига 18 ёшдан 34 ёшгача бўлган ўрта маълумотли Тошкент шаҳри ва Тошкент области Оржоникидзе, Калинин, Тошкент районларида доимий пропискада бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

3 йиллик муддат билан ўқийдиган ўқувчилар бепул иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

10-синф маълумоти билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 76 сўм стипендия ва меҳнат практикаси вақтида ойлик маошларининг 50 проценти берилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ариза, турар жойидан справка, паспорт, соғлиги ҳақида справка, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар: 8, 9, 24, 60, 165-автобуслар билан борилади.). Телефон: 34-57-13.

Р. — 10971. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 214. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12